N 22-23 (307-308) • 2011 йил 7 июнь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ЭНГ ЯХШИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ АНИҚЛАНДИ

***26 май куни «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг мажлислар залида аудит бозори муаммолари ва уни ривожлантириш йўлларига бағишланган республика давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Аудиторлар палатаси, шунингдек «Аудитрейтинг» МЧЖ рейтинг агентлиги томонидан ташкил этилган.***

Давра суҳбатида Молия вазирлиги, профессионал бирлашмалар, бир қатор аудиторлик ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, сертификатланган аудиторлар, шунингдек республикада аудит бозорини ўрганаётган мутахассислар иштирок этишди.

Мамлакатимизда аудитни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингининг 2010 йил якунлари бўйича натижалари ҳақида Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси бошлиғи Шарафиддин Ҳайдаров, Молия вазирлигининг аудит услубияти бўлими бошлиғи Ҳасанбой Қосимов, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси бошқаруви раиси Равшан Ҳайдаров, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси кенгаши раиси Миновар Тўлахўжаева, «Marikon Audit» МЧЖ аудиторлик ташкилоти раҳбари Наталья Кондратова, «FTF-audit» МЧЖ молиявий директори Тоҳир Файзиев, «Аудитрейтинг» МЧЖ директори [illegible]д Машарипов маърузалар қилишди. Қатнашчилар Ўзбекистон аудиторлик хизматлари бозори истиқболларини, соҳада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини муҳокама этдилар.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Президентнинг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарорига *(2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон)* мувофиқ аудиторларнинг жамоатчилик профессионал бирлашмалари «Аудитрейтинг» МЧЖ билан ҳамкорликда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг 2010 йил якунлари бўйича рейтинг баҳосини чиқардилар. Баҳолаш таркибига Молия вазирлиги, аудиторлик ташкилотлари ва жамоатчилик профессионал бирлашмалари вакиллари кирган Жамоат кенгашининг қатъий назорати остида бўлиб ўтди. Конференцияда аудиторлик ташкилотларининг рейтинг натижалари эълон қилинди *(www.norma.uz сайтига қаралсин).*

Рейтинг натижалари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган ташкилотлар сертификат билан мукофотланди.

### 2010 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА СЕРТИФИКАТ ОЛГАН АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ

| *Ташкилотнинг номи (Халқаро даража)* | *Раҳбарнинг Ф.И.О.* | *Балл* |
|---|---|---|
| «PriceWaterHouseCoopers» ШК | Мўминов Абдулҳамид | A1 |
| «DELOITTE» МЧЖ | Насретдинова Насиба | A1 |
| «Ernst & Young» МЧЖ | Самойлова Асия Акрамовна | A1 |

| *Ташкилотнинг номи (1-даража)* | *Раҳбарнинг Ф.И.О.* | *Балл* |
|---|---|---|
| «FTF-AUDIT» МЧЖ | Ғуломова Феруза Ғаниевна | A1 |
| «HOLIS GURUH» МЧЖ | Каримов Жамшид Фатхуллаевич | A1 |
| «BUXGALTER-AUDIT» МЧЖ | Шайхисломова Зулфия Фаридовна | A1 |

| *Ташкилотнинг номи (2-даража)* | *Раҳбарнинг Ф.И.О.* | *Балл* |
|---|---|---|
| «ZORG» МЧЖ | Хўжаева Ольга | A2 |
| «AUDIT-KIM» МЧЖ | Ким Лариса Алексеевна | A2 |

| *Ташкилотнинг номи (3-даража)* | *Раҳбарнинг Ф.И.О.* | *Балл* |
|---|---|---|
| «AUDIT-SERVICES-LTD» МЧЖ | Жуков Олег Валентинович | A1 |
| «TAT-AUDIT» МЧЖ | Маркелова Елена Валерьевна | A1 |
| «MASLAHAT-HARAKAT» МЧЖ | Пивень Лидия | A1 |

**«NORMA» МЧЖ иқтисодий-ҳуқуқий нашриёти**
**республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида минтақавий вакиллар лавозимига**
**танлов эълон қилади** 2-бетда

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

NORMA
www.norma.uz

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

### КЕКСАЛАР – ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

**Президентнинг 2011 йил 30 майдаги ПҚ-1542-сон қарори билан Ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастур тасдиқланди** *(«СБХ»нинг 2011 йил 2 июндаги 22-23 (878-879)-сонида чоп этилган).* Унда қуйидагилар назарда тутилган:

ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш;

ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни амалга ошириш, тиббий-ижтимоий реабилитация ва геронтологик ёрдам чора-тадбирларини кучайтириш;

ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой-маиший шарт-шароитларни янада яхшилаш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

**«Халқ сўзи» газетасида 2011 йил 31 майда чоп этилган.**

### ЎЗ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ИМПОРТ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 майдаги 136-сон қарори билан Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Сертификат олиш учун зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ариза билан мурожаат қилиш керак. Ариза берилгандан кейин 3 иш куни мобайнида корхона экспертнинг экспертиза ўтказиш учун ишлаб чиқариш амалга ошириладиган жойга киришини таъминлашга мажбурдир. Унинг натижалари тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлган тақдирда эксперт томонидан экспертиза далолатномаси тузилиб, унинг асосида 2 нусхада сертификат берилади.

Уни беришни рад этиш асосланган бўлиши керак. Рад этишга асос бўладиган сабаблар ҳужжатда санаб ўтилган.

Ҳужжатда шунингдек олдин берилган сертификатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, экспертиза ўтказиш ҳамда сертификатни расмийлаштириш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш масалалари ва бошқа масалалар тартибга солинган.

**Диққат!**

### ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИГА ЯНГИЛИК КИРИТИЛДИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида» қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қарори *(АВ томонидан 2011 йил 30 майда 1760-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва давлат рўйхатига олинди.

Солиқ ҳисоботи шакллари уларни бозорлар, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим тўлайдиган корхоналар учун ҳисоб-китоблар билан тўлдириш ҳисобига кўпайди.

Ўзгартиш ва қўшимчалар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ер солиғи, акциз солиғи, ягона солиқ тўлови, ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий тўловлар бўйича солиқ ҳисоботи шаклларига киритилади.

*(Батафсил тушунтиришлар «СБХ»да чоп этилади).*

### ТАКСИЛАРГА НКМ ВА ТЕРМИНАЛ ЎРНАТИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сон қарори билан Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«СБХ»нинг 2011 йил 2 июндаги 22-23 (878-879)-сонида чоп этилган).* Чунончи, 2012 йил 1 январдан бошлаб республикада йўналишсиз таксиларнинг ташқи кўринишига ва ички маълумотлар билан жиҳозланишига, шунингдек йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларига нисбатан ягона талаблар жорий қилинади. Улар ҳайдовчилари йўловчиларни ташиш ҳамда уларнинг йўловчи сўраган йўналиш бўйича багажини ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган енгил автотранспорт воситаларининг (йўналишли таксилардан ташқари) барча турларига татбиқ этилади. Чунончи, барча таксилар махсус сериядаги автотранспорт воситасининг давлат рақами белгисига эга бўлиши, автомобиль тепасида тўқ сариқ рангли фонарга «TAXI» таниш белгиси ўрнатилган бўлиши, олдинги эшикларида шахмат тартибида жойлаштирилган қора квадрат ва «Т» ҳарфларидан иборат бўлган композиция ҳамда юридик шахс – ташувчининг номи туширилган бўлиши керак.

Такси сариқ рангда, Тошкент шаҳрида эса – «фил суяги» рангида бўлиши керак. Ҳар бир автомобилда ҳисоблагич (таксометр), радиоалоқа воситаси, белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси, ҳисоб-китоб терминали ўрнатилиши лозим. Олд ойнанинг юқоридаги ўнг бурчагида эса ёниқ ҳолида таксининг банд бўлмаганлигини билдирувчи яшил рангли ёритиш чироғи ўрнатилган бўлиши керак. Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларига[1] киритилган ўзгартиришларга биноан ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб 2-бетда

*[1]ВМнинг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорининг 1-иловаси.*

*[2]"Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида».*

*[3]"Истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».*

*[4]ВМнинг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган.*

УШБУ СОНДА

3-бет — Бевосита мулоқот: савол сиздан, жавоби биздан
4-5-бетлар — Ўз маҳсулоти экспорт қилинганда: имтиёз ва преференциялар
6-бет — Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш қоидалари
9-10-бетлар — «Биз яшайдиган уй»да нима гап?

$1 = 1704,00 сўм €1 = 2404,38 сўм £1 = 2707,34 сўм ¥10 = 210,92 сўм

Эълон

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**«NORMA» МЧЖ**
**иқтисодий-ҳуқуқий нашриёти**
**республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида минтақавий вакиллар лавозимига**

## танлов эълон қилади

(ҳар бир минтақа бўйича – 2 - 3 штат бирлиги):

***Лавозим мажбуриятлари:*** компания босма нашрларига («Солиқ ва божхона хабарлари», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари) обунани ташкил қилиш. Семинарлар, конференциялар, кўргазмалар ҳамда тадбиркорлар қатнашадиган бошқа тадбирларда иштирок этиш, нашриётнинг босма маҳсулотларини (газеталар, китоблар) минтақада самарали тарқатишни ташкил қилиш. Компаниянинг босма ва электрон нашрлари саҳифаларида корхона ва ташкилотларнинг реклама материалларини жойлаштириш учун реклама берувчиларни жалб этиш. Компаниянинг маҳсулот ва хизматлари харидорлари билан шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш.

***Номзодларга қўйиладиган талаблар:*** минтақавий вакил компьютердан (word, excel, e-mail) фойдалана олиши, киришимли ва ғайратли бўлиши, ўз минтақасининг иқтисодиётини билиши; янги иш усулларини тезда ўзлаштира олиши; бакалаврдан паст бўлмаган олий маълумотга эга бўлиши керак.

Танловда товар ва хизматларни сотиш тизимида, шунингдек иқтисодиёт, молия, солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида бошқарув органларининг ҳудудий тузилмаларида ишлаш тажрибасига эга бўлган номзодлар афзалликка эга бўладилар.

***Меҳнатга ҳақ тўлаш:*** ишбай-мукофотли.

Таклифларни кўриб чиқиш учун ўз резюмеингизни **vakant@norma.uz электрон почтасига ёки (371) 283-44-57 факсига «Б.Қаюмов учун резюме» белгиси билан юборинг.**

Резюмени тақдим этиш муддати – **2011 йил 10 июнгача.**

Ишга қабул қилиш олдидан тест ўтказиш ва суҳбат якунлари бўйича танлов асосида амалга оширилади. Тест ўтказиш санаси номзодларга қўшимча равишда хабар қилинади. Ишга қабул қилинган ходимлар 2011 йил июнь-июлида иш ҳақи тўланган ҳолда компаниянинг бош офисида бир ҳафталик стажировкадан ўтадилар.

**Мулоқот учун Баҳодир Қаюмовга мурожаат қилинг,**
**тел. (371) 283-44-56.**



NORMA
иқтисодий-ҳуқуқий
НАШРИЁТИ

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

*ҳисоб-китоб терминалидан фойдаланган ҳолда банк пластик карточкалари маблағлари билан* ҳам амалга оширилиши мумкин.

2012 йил 1 январдан бошлаб ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган, ташқи ва ички маълумотларга эга бўлмаган йўналишсиз таксиларда лицензиялар берилиши тақиқланади.

### ЛИЗИНГ БИЛАН МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ШУҒУЛЛАНАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 143-сон қарори** билан Молия вазирлиги лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Унинг зиммасига қуйидаги функциялар юкланган: лизинг хизматлари кўрсатиш соҳасида регулятив базани ва миллий стандартларни ишлаб чиқиш; ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш, бозорнинг ҳолатини таҳлил қилиш; шу жумладан халқаро нормалар ва стандартларни таҳлил қилиш асосида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш юзасидан таклифлар киритиш; лизинг хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга ошириш.

Молия вазирлиги тузилмасида лизинг фаолиятини мувофиқлаштириш шуъбаси ташкил этилмоқда. Лизинг хизматлари кўрсатиш соҳасида ахборот тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш статистика органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

### ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРГА ТЎПЛАНАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 майдаги 145-сон қарори билан Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга[4] ўзгартиришлар киритилди** *(«СБХ»нинг 2011 йил 2 июндаги 22-23 (878-879)-сонида чоп этилган).* Уларга мувофиқ ходимларнинг ШЖБПҲга бадаллар реестри ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунигача **электрон ҳужжат** кўринишида (олдин – қоғоз шаклида) тақдим этилиши керак. Электрон хат жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона маълумотлар электрон базаси форматида тузилиши ҳамда электрон манбаларда жойлардаги Халқ банки филиалига тақдим этилиши ёки бевосита умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғи орқали Халқ банкининг ахборот тизимига узатилиши шарт. Мазкур электрон ҳужжат тушган пул маблағларини фуқароларнинг Халқ банкидаги ШЖБПҲга ўтказиш учун асос ҳисобланади *(тўлов топшириқномасини энди тақдим этиш шарт эмас).* Раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланадиган реестрнинг қоғоз манбада тузилган асл нусхаси иш берувчида сақланади.

Хатолар аниқланган тақдирда Халқ банки филиали ходимлари кейинги иш кунидан кечикмасдан иш берувчидан хатоларни тузатиш учун қўшимча маълумотларни тақдим этишни ёки тафовутларни бартараф этишни талаб қилишлари керак. Агар иш берувчи ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунигача реестрни тузатиш чора-тадбирларини кўрмаса, у ҳолда банк чора кўриш учун солиқ хизматининг тегишли ҳудудий органини хабардор қилиши шарт.

### УЧАСТКАНГИЗ ШАҲАРГА КЕРАК БЎЛИБ ҚОЛСА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 146-сон қарори билан қуйидагилар тасдиқланди:**

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом.

Юридик ёки жисмоний шахслар эгалик қилаётган, фойдаланаётган, ижарага олган ёки уларнинг мулки бўлган ер участкасини Низомда айтиб ўтилган мақсадларда бериш фақат ушбу участка улардан 2 босқичда олингандан (ҳақ тўлаб олингандан) кейин амалга оширилади. Биринчи босқичда – материаллар расмийлаштирилади, улар манфаатдор ташкилотлар билан келишилади ва ер участкасини танлаш тегишли давлат органи қарори билан тасдиқланади. Иккинчи босқичда – тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ер участкасини ажратиш расмийлаштирилади ва тегишли давлат органининг объектни қуришга рухсатнома бериш учун асос ҳисобланадиган қарори билан тасдиқланади.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ижарачилари ва мулкдорларнинг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тасдиқланди.

Ер участкалари эгаларининг зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдани, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш ер участкаси бериладиган (ажратиладиган) ёки фаолияти ер участкасига ҳуқуқлар чекланишига ва ернинг сифати ёмонлашишига олиб келадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Агар қурилиш давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилса, қоплаш лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Зарар миқдорлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари ҳамда «Даврархитектқурилиш» қўмитаси архитектура ва қурилиш бўлим (бошқарма)лари томонидан баҳолаш ташкилотини жалб этган ҳолда аниқланади, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилади ҳамда давлат органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкалари эгаларининг зарарлари янги эгасига ер участкасига ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар топширилишига қадар қопланиши керак.

### МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИШГА ДОИР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 152-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Чунончи, сўнгги 50 йил ичида яратилган, олиб чиқилаётганда олиб чиқилиш ҳуқуқини берувчи сертификат талаб этилмайдиган маданий бойликларга халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий-декоратив санъат буюмларининг 24 номланишдан иборат рўйхати киритилди. Унга, хусусан, миллий пичоқлар, эздалик учун мусиқий асбоблар, тандирлар ва бошқа буюмлар киритилган.

Шунингдек маданий бойликларнинг бадиий экспертизасини ўтказиш учун махсус йиғим камайтирилди. Мисол учун, гиламлар ва деворга осиб қўйиладиган суратли гиламлар учун сертификат олишда ЭКИҲнинг 70 дан 100 фоизигача йиғим тўлаш керак *(олдин – ЭКИҲнинг 200 дан 400 фоизигача).*

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 14 майдан 27 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 20-21-сони асосида тайёрланди.***

## УШБУ СОНДА:

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Энг яхши аудиторлик ташкилотлари аниқланди
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1-2-бетлар*
✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**
– Ҳали иш бошлаганимиз йўқ
– Киритилмаган бўлса, демак ишлари жойида
– Хусусий корхона тугатилади *3-бет*
✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
– Тасдиқлаймиз: ўзимиз ишлаб чиқарган товарни экспорт қиламиз *4-5-бетлар*
✓ **ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ**
– Стаж эса етарли эмас
– Онага нафақа тўлаш иш берувчи зиммасида *6-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
– «Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни сертификатлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2011 йил 30 апрелдан 6 майгача бўлган маълумот** *7-8-бетлар*
✓ **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ** *9-10-бетлар*
✓ **top** *11-12-бетлар*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| *Мамлакат* | *Сана* | *АҚШ доллари* | | *Евро* | | *Россия рубли* | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* |
| Озарбайжон | 2.06.2011 | 1 | 0,7893 | 1 | 1,1331 | 1 | 0,0282 |
| Арманистон | 2.06.2011 | 1 | 375,97 | 1 | 541,62 | 1 | 13,43 |
| Беларусь | 3.06.2011 | 1 | 4981,00 | 1 | 7162,18 | 1 | 177,63 |
| Грузия | 2.06.2011 | 1 | 1,6649 | 1 | 2,3956 | 1 | 5,9528 |
| Қозоғистон | 3.06.2011 | 1 | 145,50 | 1 | 209,62 | 1 | 5,20 |
| Қирғизистон | 3.06.2011 | 1 | 45,2859 | 1 | 64,9211 | 1 | 1,6253 |
| Латвия | 3.06.2011 | 1 | 0,49 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0175 |
| Литва | 3.06.2011 | 1 | 2,4025 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,5673 |
| Молдова | 2.06.2011 | 1 | 11,6583 | 1 | 16,7849 | 1 | 0,4167 |
| Тожикистон | 3.06.2011 | 1 | 4,5807 | 1 | 6,6288 | 10 | 0,1656 |
| Ўзбекистон | 31.05.2011 | 1 | 1704,00 | 1 | 2404,38 | 1 | 60,60 |
| Украина | 2.06.2011 | 100 | 797,35 | 100 | 1148,8219 | 10 | 2,8509 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

Эълон


**БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ЎРНАТИЛДИ**

Солиқ солиш масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.
Соат 10.00 дан 12.00 гача



Телефон:
уяли телефондан +99871
стационар телефондан 8371
200-00-59


# ҲАЛИ ИШ БОШЛАГАНИМИЗ ЙЎҚ

***Бизнинг МЧЖ яқинда рўйхатдан ўтказилган. Лицензиямиз йўқлиги сабабли ҳозирча фаолият юритмаяпмиз. Туман солиқ инспекцияси ташкилотимиз айни пайтда фаолият юритмаётганлиги тўғрисида хат тақдим этишимизни сўраяпти. Уни қандай қилиб тўғри тузиш мумкин?***

**Ф.Калинчева,**
**«Эвент Пресс» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Мазкур хатнинг бирхиллаштирилган шакли йўқ. Қуйидаги шаклдан фойдаланишни тавсия қиламиз:

фирма бланки
*(ташкилот номи, СТИР, почта манзили, телефон)*

___тумани ДСИ бошлиғи
_______________га
*(исми-шарифи)*

Мазкур хат билан хабардор қиламизки, «______________________» МЧЖ 2011 йил ___________ ҳолатига кўра иш бошлаш учун лицензия олинмаганлиги боис фаолиятни амалга оширмаяпти.

Директор ____________ / ______________________/
(имзо) (исми-шарифи)

М.Ў.

# БИР МУАССИС ҚАРШИ БЎЛСА

***Конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган, таркибига 30 муассис кирган МЧЖ 2007 йилда ўз фаолиятини тўхтатди. Муассислар ихтиёрий тугатишни тузмоқчи бўлишди. Бироқ МЧЖ муассисларидан бири ихтиёрий тугатишга рози бўлмаганлиги ва молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги туфайли рўйхатдан ўтказувчи орган жамиятни мажбурий тугатишни амалга ошира бошлади. Биринчи инстанция суди тегишли қарор қабул қилди, унга рози бўлмаган муассис шикоят қилди. Кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилди ва тугатиш ўтказилмади. Ўшандан бери бир йилдан кўп вақт ўтди. Ташкилот аввалгидек молиявий фаолиятни юритмаяпти. Муассисларнинг кўпчилиги давлатдан ташқарига чиқиб кетди. Улар қолдирган ишончномаларнинг муддати тугади. Муассислар янги ишончномаларни расмийлаштиришдан бош тортяптилар, чунки уларнинг ташкилотга нисбатан ҳеч қандай мулкий даъво-эътирозлари йўқ.***

***МЧЖ балансида столлар, стуллар, компьютерлар ва бошқа ташкилий техника кўринишида мол-мулк бор. Муассисларнинг бирортаси уларни олиб кетиш ниятида эмас. Ташкилот ва ушбу мол-мулкни нима қилиш керак?***

**В.Ануфриева,**
**«Олтин» МЧЖ бош бухгалтери.**
**Чирчиқ шаҳри.**

– Сизнинг ҳолатингизда **фақат юридик шахсни мажбурий тугатиш тартибини қўллаш мумкин.** Кассация инстанциясининг қарори қабул қилинганидан кейин бир йилдан кўп вақт ўтгани ва МЧЖ молия-хўжалик фаолиятини юритмаётганлигини ҳисобга олиб, рўйхатдан ўтказувчи орган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга[1] *(бундан кейин – 327-сон Низом)* мувофиқ яна мажбурий тугатиш таомилини бошлаб юбориши керак.

Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, кредиторлар талабалари қондирилганидан ва тугатиш баланси тасдиқланганидан кейин қолган юридик шахснинг мол-мулки унга нисбатан ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган унинг муассисларига (иштирокчиларига) берилади. Агар муассислар корхонани тугатиш жараёни тугалланганидан кейин қолган мол-мулкка ўз ҳуқуқларини изҳор этмасалар, у белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк сифатида ҳисобга олинади. **Тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг қолган пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда махсус комиссия шу маблағ ҳисобига мол-мулк сақланишини ташкил қилади. Сақлаш муддати тугатиш жараёни тугаллангандан кейин уч йилдан ошмаслиги керак. Пул маблағлари мавжуд бўлмаганда ёки уч йиллик муддат мобайнида сақлаш учун сарфланиб бўлган тақдирда, мол-мулк сақланмайди ва сотиб юборилади.** Тушган маблағлар, операцион харажатлардан ташқари, банкда ушбу мақсад учун махсус очиладиган ҳисобварақка ўтказилади. Кўрсатиб ўтилган маблағлар муассислар (қатнашчилар) мулки ҳисобланади ва корхона тугатилган вақтдан камида уч йилдан сўнг маҳаллий бюджетга ўтказилиши керак *(327-сон Низомнинг 5.4-банди).*

# КИРИТИЛМАГАН БЎЛСА, ДЕМАК ИШЛАРИ ЖОЙИДА

***Ташкилотимиз 2011 йилги текширишлар режа-жадвалига киритилмаган. Уни йил мобайнида режа-жадвалга киритишлари мумкинми?***

**Ф.Зоҳидова.**
**Молия институти.**

– Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг[2] *(бундан кейин – 1573-сон Низом)* 9-бандига мувофиқ тегишли йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишларнинг режа-жадвалларини, кейинчалик тузатилган киритган ҳолда ишлаб чиқишни назорат қилувчи органлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантириш принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларига қатъиян мувофиқ ҳолда амалга оширади.

**Назорат қилувчи органлар ташкилотларни текширишларнинг режа-жадвалига киритиш тўғрисидаги таклифларни фақат олдинги йилнинг 15 декабригача тақдим этишлари мумкинлигини ҳисобга олганда, сизнинг ташкилотингизни 2011 йилги текширишларнинг режа-жадвалига назорат қилувчи органларнинг ташаббуси билан кирита олмайдилар.** Назорат қилувчи органлар ёки уларнинг бўлинмалари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг, унинг вилоят ёки туман комиссияларининг ишчи органларига тақдим этилган таклифлар, юқорида назарда тутилган муддатлар туганидан кейин, кўриб чиқилмайди *(1573-сон Низом 12-бандининг олтинчи хатбошиси).*

Бироқ сизнинг ташкилотингизни, агар ваколатли органларнинг фармойиши келиб тушса, режадан ташқари тартибда текширишлари мумкин *(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» Қонун[3] 12-моддасининг иккинчи қисми; 1573-сон Низомнинг 16-банди; Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида низомнинг[4] 9-банди).*

# ХУСУСИЙ КОРХОНА ТУГАТИЛАДИ

***Хусусий корхона тугатилиши муносабати билан тугатиш балансини топшириш лозим. Бунинг учун устав фондини ташкил қиладиган мол-мулкни мулкдорга бериш ва эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш керак.***

***1. Мулкдорга устав фондини ташкил этадиган мол-мулкни бериш учун қандай ҳужжатни расмийлаштириш лозим?***

***2. Тўлалигича эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш учун қандай ҳужжат зарур?***

***3. Тугатиш балансига, агар у билан меҳнат муносабатлари аллақачон бекор қилинган бўлса, бош бухгалтернинг имзоси қўйилиши керакми?***

***4. Тугатиш баланси топширилаётганда кузатув хатини тузиш керакми?***

**И.Коваленко,**
**«Баҳор Таъмир Сервис» ХКнинг бош бухгалтери.**

– **1.** Мулкдорга хусусий корхонанинг мол-мулкини бериш учун у тегишли **ёзма қарор** қабул қилиши лозим *(«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг[5] 15-моддаси).*

**2.** Асосий воситаларни уларни тугатиш муносабати билан ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низом[6] ва 21-сон БҲМСга[7] мувофиқ **асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатнома** *(АВ-4-сон шакл)* билан расмийлаштирилади.

**3. Имзони фақат директор қўйишга ҳақли,** чунки бухгалтер билан меҳнат муносабатлари тугатиб бўлинган. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг[8] 7-моддасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади. У бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш ҳуқуқига эга. Сизнинг ҳолатингизда раҳбарнинг ўзи бухгалтерия ҳисобини юритмоқда.



**4.** Тугатиш балансини қабул қилиш илтимос қилинган кузатув хатининг шакли белгиланмаган. Сиз уни **ўз хоҳишингизга қараб** тайёрлашингиз мумкин.

Агар кузатув хати деганда корхонанинг ҳисоб сиёсатини очиб берадиган ва корхонанинг мулкий ҳамда молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлайдиган молиявий ҳисоботга изоҳлар тушунилса, бундай ҳужжатни Ўзбекистон Республикасининг 1-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да[9] назарда тутилган талабларга мувофиқ **албатта тузиш лозим.**

---

*[1] ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори билан тасдиқланган.*
*[2] НҚОФМРКнинг АВ томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
*[3] 1998 йил 24 декабрдаги 717-I-сон.*
*[4] Адлия вазирининг АВ томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*
*[5] 2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон.*
*[6] Молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*
*[7] Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси (молия вазирининг АВ томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган).*
*[8] 1996 йил 30 августдаги 279-I-сон.*
*[9] МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*


Реклама

NORMA
ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ
ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА
КОРХОНА ЮРИСТИ
Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz


*Телефон орқали «Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА жавоб берди.*

Қонунчилик шарҳи

# ТАСДИҚЛАЙМИЗ:

## ЭРКИН АЛМАШТИРИЛАДИГАН ВАЛЮТАГА ЭКСПОРТ ҚИЛГАНДА ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УЧУН ЎЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИ АНИҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори[1] билан янги Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидалари *(бундан кейин – 2195-сон Қоидалар)* тасдиқланди, у 2011 йил 26 февралдан кучга кирди. Аввалги Экспортга жўнатиладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни белгилаш қоидалари[2] ва Экспортга жўнатиладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида низом[3] *(бундан кейин – 946-сон Низом)* ТИАИСВ, МВ ва Ўзбекистон Республикаси ДБҚнинг (рўйхат рақами 946-1) ва ТИАИСВнинг (рўйхат рақами 420-2) 2011 йил 16 февралдаги қарорларига мувофиқ ўз кучини йўқотди.

**1.** Аввалги Экспортга жўнатиладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни белгилаш қоидаларининг 3–6-бандлари қандай маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга киритиш кераклигини анча аниқ тартибга солган эди. Янги 2195-сон Қоидаларда умумий таъриф билан чекланилган: «Ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхона ўзи томонидан ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулот (жумладан ярим тайёр маҳсулот) тушунилади». Шу тариқа, унда корхона реализация қиладиган маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга киритишнинг 2 мезони таърифланган:

унда ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги;

маҳсулот корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда ушбу ишлаб чиқариш қувватларида ишлаб чиқарилиши ёки қайта ишланиши керак.

Бироқ қонун ҳужжатларида «ишлаб чиқариш қувватлари» тушунчаси мавжуд эмас.

Шуниси муҳимки, 2195-сон Қоидалар «ишлаб чиқариш» атамасига таъриф бермасдан, айни вақтда унга нималар тааллуқли эканлигини аниқ қилиб белгилайди.

**Қуйидагилар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига кирмайди:**

**сақлаш ёки ташиш вақтида товарларнинг бутлигини сақлашни таъминлаш бўйича операциялар;**

**товарларни сотиш ва ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (туркумни майдалаш, жўнатмаларни шакллантириш, саралаш, қайта ўраб-жойлаш, қадоқлаш)** *(2195-сон Қоидаларнинг 6-банди)*.

Масалан, кичик корхона гуручни улгуржи равишда харид қилди ва 1 кг дан ўровларга қадоқлади. Ушбу ҳолда унга имтиёзлар ва преференциялар қўлланмайди, чунки мазкур маҳсулот ўзи ишлаб чиқарган товар ҳисобланмайди.

Амалиётда тадбиркорлик субъектларида товарлар (ишлар, хизматлар)ни ўзи ишлаб чиқарган товарлар сирасига киритиш ҳамда имтиёзлар ва преференцияларни қўллашнинг тўғрилиги бобида баҳс-низо юзага келиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ушбу муаммони ҳал этиш учун уларга далил-исбот сифатида қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин:

асосий воситаларга киритилган технологик ускуналарнинг мавжудлиги тўғрисида балансдан кўчирма;

технологик жараённинг тавсифи ва экспорт қилинаётган товарларга меъёрий-техник ҳужжатлар;

хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, материаллар тўғрисидаги маълумотлар.

**2.** Аввалги Қоидаларда назарда тутилишича, маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сирасига киритиш далили корхонанинг аризасига кўра «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ (ТИАИСВ вакил қилган орган) берган сертификат билан тасдиқланиб, унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган:

амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда тегишли фаолият турини амалга оширишга махсус рухсатнома;

ариза берувчи корхонанинг раҳбари имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган, ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажмини аниқлаш мақсадида жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмининг техник-иқтисодий асосланмаси;

технологик жараённинг тавсифи ва экспорт қилинаётган товарларга меъёрий-техник ҳужжатлар;

хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, материаллар тўғрисида маълумотлар.

Сертификат беришни сўраб ёзилган аризада кўрсатиладиган маълумотларнинг тўғрилиги учун ариза берувчи ташкилот жавобгар бўлган. «Ўзбекэкспертиза» ариза келиб тушган санадан бошлаб 5 иш кунидан кечиктирмай сертификат берган.

Бироқ амалиётда имтиёз ва преференциялар олиш учун мувофиқлик сертификатининг ўзи етарли эмас эди. Чунончи, валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод қилинганлигини тасдиқлаш учун кичик корхонадан унга ушбу имтиёз берилганлиги тўғрисида солиқ органининг тасдиқномаси талаб қилинган. Солиқ органи ўз навбатида статистика органлари томонидан мазкур корхона кичик бизнес субъектларига киритилганлиги далили тасдиқланишини талаб қилган. Статистика органлари

**Ишлаб чиқариш қувватлари деганда,** одатда, муайян вақт ичида иложи борича кўп маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хом ашёни кавлаб олиш ва қайта ишлаш мумкинлиги тушунилади. У ишлаб чиқариш ускунаси ва ишлаб чиқариш майдонларининг ўрнатилган иш режимидан тўлиқ фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Шу тариқа, 2195-сон Қоидалар контекстида ишлаб чиқариш қувватлари деганда ишлаб чиқариш ускуналари, машиналари, механизмлари ва улар ўрнатилган ишлаб чиқариш майдонларининг жами тушунилиши керак.

21-сон БҲМСга[4] кўра, ҳисоби 0100-«Асосий воситалар» гуруҳи ҳисобварақларида, яъни 0130-«Машина ва асбоб-ускуналар», 0150-«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» ва бошқа ҳисобварақларда юритиладиган корхонанинг активлари ускуналарга киради. Ишлаб чиқариш тармоқларига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш ускуналари турлари бўйича ҳам, вазифаси бўйича ҳам жуда хилма-хил бўлиши мумкин, масалан, сув тозалаш, майдалаш-саралаш, ўлчаш, компрессор, қозонхона, насос, иситиш, қуритиш, қайта ишлаш, пресслаш, пайвандлаш, совутиш, электр ускуналари ва бошқалар. Тегишинча, ускунанинг вазифасини (ишлаб чиқариш мақсадларида ёки бундай эмаслигини) ҳам корхонанинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш лозим. Масалан, хизматлар кўрсатиш соҳаси компаниясининг офисида ўрнатилган сув тозалаш ускунасини ишлаб чиқариш ускунаси сифатида баҳолаб бўлмайди, айни вақтда ихтисослашган сув таъминоти корхоналари учун у айнан ишлаб чиқариш ускунаси ҳисобланади. Ускуналарнинг анча батафсил рўйхати Қайта баҳолаш учун фойдаланиладиган асосий воситалар кодлари (шифрлари)да[5] келтирилади.

Ишлаб чиқариш деганда 2195-сон Қоидаларда нафақат моддий ишлаб чиқариш (турли хил маҳсулотлар яратиш жараёни), балки номоддий соҳа, яъни номоддий неъматлар ва хизматлар соҳаси (таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, бошқарув, савдо, логистика ва бошқалар) ҳам тушунилади. Белгиловчи омил сифатида 2195-сон Қоидалар маҳсулот, ишлар ва хизматларни ўз кучи билан, мустақил ишлаб чиқаришни белгилайди.

Қайта ишлаш маҳсулотлари ҳам ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот деб эътироф этилади. Божхона кодексининг 30-моддасида кўрсатилишича, товарларни қайта ишлашга қуйидагилар киради:

товарларни бевосита қайта ишлаш ёки уларга ишлов бериш, шу товарларнинг ва фойдаланилаётган бошқа товарларнинг йўқоладиган ўзига хос хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда;

янги товарларни тайёрлаш, шу жумладан товарларни уларнинг асосий хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда монтаж қилиш, йиғиш ёки қисмларга ажратиш;

товарларни таъмирлаш, шу жумладан уларни тиклаш, янгилаш ва тартибга келтириш, уларнинг шикастланган ёки эскириб қолган таркибий қисмларини (элементларини) алмаштириш ёки тиклаш, шунингдек нуқсонларини бартараф этиш;

товарларни қайта ишлашга ёрдам берадиган ёхуд бундай ишни енгиллаштирадиган бошқа товарлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш.

*[1]АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[2]ТИАВ, МВ ва ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 8 апрелда 420-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[3]ТИАВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 2000 йил 13 июлда 946-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[4]Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси (молия вазирининг АВ томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган).*

*[5]«Бухгалтерия ҳисоби савол-жавобларда» (Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996 йил).*

*[6]«Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».*

# ХК БАЛАНСИДАН – МУАССИС ГАРАЖИГА

***Хусусий корхона улгуржи савдо билан шуғулланади ва ягона солиқ тўловини тўлаб келади. Унинг балансида қолдиқ қиймати 7 970 минг сўм бўлган автомобиль ва 752 минг сўм қайта баҳолаш сальдоси қайд этилган. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига асосан корхона уставида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин ХК фойдаси унинг мулкдори тасарруфига келиб тушиши ва унга солиқ солинмаслиги назарда тутилган. Ҳозирги вақтда корхона тақсимланмаган фойдага эга, унинг бир қисмини муассис натурада – қолдиқ қиймат бўйича автомобиль билан олишни режалаштиряпти.***

***Сиздан автомобилни қайта расмийлаштириш тартиби тўғрисида тушунтириш беришни, қайта рўйхатдан ўтказиш учун нотариусга ва Давлат автомобиль назорати органларига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхатини кўрсатишни, шунингдек автотранспорт воситасини қайта расмийлаштириш учун давлат божи ва Республика йўл жамғармасига йиғим суммасини белгилаш тартибини баён этишни сўраймиз.***

**З.Маҳмудова.**

– Мулкдор «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг[1] 15-моддасига асосан автомобилни шахсий эгаликка бериш учун қарор қабул қилиши керак. **Ушбу битимни нотариал тасдиқлаш учун нотариусга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

хусусий корхона мулкдорининг қарори;

агрегатнинг рақами рўйхатга олиш рақамига мувофиқлиги далилини тасдиқлайдиган штамп қўйилган автомототранспорт воситасини рўйхатга олиш ҳужжати (техпаспорт). Штамп автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ЙҲХДХ органларида Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг[2] 7-бандига мувофиқ қўйилади;

автотранспорт воситаси бўлғуси эгасининг паспорти.

**Давлат божи суммасини нотариус автотранспорт воситасидан фойдаланиш муддатига боғлиқ ҳолда** Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида» қарори[3] билан тасдиқланган ставкалар асосида **белгилайди.**

**Республика йўл жамғармасига йиғим миқдори** Солиқ кодексининг *(бундан кейин – СК)* 323-моддасига мувофиқ **автотранспорт воситалари двигателининг от кучидаги қуввати ёки автотранспорт воситаларининг қийматига боғлиқ ҳолда** Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари бўйича **аниқланади**[4]. Йиғим Ички ишлар вазирлиги органларида автотранспорт воситаси қайтадан давлат рўйхатига олиш чоғида ундирилади.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.***

*[1]2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон.*

*[2]ВМнинг 2006 йил 7 мартдаги «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 38-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[3]1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон.*

*[4]Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1449-сон қарорига 22-илова.*

# ЎЗИМИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ТОВАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛАМИЗ

эса уни фақат корхона ходимларининг сонига тааллуқли барча ҳужжатлар текширилганидан кейингина тасдиқлаганлар.

2195-сон Қоидаларга кўра эса, маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар сирасига киритиш далилини тасдиқлаш учун **ариза берувчи корхонанинг солиқ органи, банк ёки бошқа ваколатли органга ариза-маълумотнома тақдим этиши етарлидир.** Қоидаларда бошқа ҳужжатлар назарда тутилмаган.

Бу билан 2195-сон Қоидалар илгари амал қилган тартибни анча либераллаштирди, экспортчи ишлаб чиқарувчиларни ортиқча тасдиқловчи ҳужжатлар олишдан халос қилди. Бунда уларнинг мансабдор шахслари маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар сирасига нотўғри киритганлик, яъни аризада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар бўладилар. Корхона имтиёз ва преференциялар олиш учун нотўғри ахборот тақдим этганлиги аниқланган тақдирда унинг мансабдор шахслари, масалан, валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан бўйин товлаганлик ёки бошқа ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин *(1-жадвалга қаралсин).* Агар ташкилот атайлаб нотўғри ахборот тақдим этиб, Президентнинг 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сон Фармони[6] 1-бандига кўра белгиланган ставкаларни камайтириш тарзида ягона солиқ тўлови, мол-мулк солиғи, фойда солиғи бўйича имтиёзлардан фойдаланса, улар солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин *(2-жадвалга қаралсин).*

*1-жадвал*

| МАЪМУРИЙ САНКЦИЯЛАР | | |
|---|---|---|
| **Ҳуқуқбузарлик тури** | **МЖТК моддаси** | **Ташкилот мансабдор шахсларига жарима** |
| Валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаш | 171-модда, биринчи қисм | **ЭКИҲнинг 8 бараваридан 12 бараваригача** |
| 171-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса | 171-модда, тўртинчи қисм | **ЭКИҲнинг 12 бараваридан 15 бараваригача** |
| Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш | 174-модда, биринчи қисм | **ЭКИҲнинг 5 бараваридан 7 бараваригача** |
| Худди шундай ҳуқуқбузарлик анча миқдорда содир этилган бўлса | 174-модда, иккинчи қисм | **ЭКИҲнинг 10 бараваридан 15 бараваригача** |

*2-жадвал*

| ЖИНОЯТГА ОИД САНКЦИЯЛАР | | |
|---|---|---|
| **Жиноят** | **ЖК моддаси** | **Ташкилот мансабдор шахсларига жазо** |
| Давлат томонидан белгиланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда* содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса | 184-модда, биринчи қисм | **ЭКИҲнинг 150 бараваригача** миқдорда жарима ёки **2 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд **6 ойгача** қамоқ |
| Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш: а) такроран**; б) кўп миқдорда*** содир этилган бўлса | 184-модда, иккинчи қисм | ЭКИҲнинг **150 бараваридан 300 бараваригача** миқдорда жарима ёки **2 йилдан 3 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд **3 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш |
| Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда**** содир этилган бўлса | 184-модда, учинчи қисм | **ЭКИҲнинг 300 бараваридан 600 бараваригача** миқдорда жарима ёки **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш |

**Анча миқдор – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 100 бараваригача бўлган миқдор.*

***Жиноят Кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган 2 ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.*

****Кўп миқдор – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдор.*

*****Жуда кўп миқдор – энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор.*

***1. Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларида айтилишича, маҳсулот технологик жараён, яъни ускуна иштирокида тайёрланиши керак. Ускуна корхонанинг мулкида бўлиши керакми ёки ижарага олиниши мумкинми?***

***2. Корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга сертификат олиши лозимми?***

***3. Ўз маҳсулотини ишлаб чиқаришда корхонанинг ўз харажатлари хом ашё қийматининг 30%идан ошиши кераклиги тўғрисидаги шарт ҳозир ҳам мажбурийми? ТИФ ТН кодини ўзгартиришчи?***

***4. Ишлаб чиқаришда қисман қайта ишланган маҳсулотни (масалан, тозалаш, қайта ишлаш, пресслаш босқичларидан ўтган) ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот деб ҳисоблаш мумкинми?***

**Ф.Тошматова, бош бухгалтер.
Қўқон шаҳри.**

– **1.** Фуқаролик кодексига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ мол-мулк, шу жумладан ускуна, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари объекти сифатида юридик шахсга мулк ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқда тегишли бўлиши мумкин. 2195-сон Қоидаларда имтиёзларни қўллаш мақсадида мол-мулкка тегишлилик ҳуқуқларидан фойдаланиш бўйича чекловлар мавжуд эмаслиги боис, **юридик шахс ўзининг ускуналаридан ҳам, ижарага олинган ускуналардан ҳам фойдаланиши мумкин.**

**2. Йўқ, лозим эмас.** 2195-сон Қоидаларида бу назарда тутилмаган. Маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар сирасига киритиш далили ўз кучини йўқотган Қоидалар ва 946-сон Низомга мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сертификати билан тасдиқланган. 2195-сон Қоидаларга мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот тоифасига мансублиги далилини тасдиқлаш учун ариза берувчи корхона **ваколатли солиқ органларига ариза-маълумотнома тақдим этиши** етарлидир *(2195-сон Қоидаларнинг 7-банди).*

**3.** 2195-сон Қоидаларда маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар сирасига киритиш учун **бундай талаблар берилмаган.**

**4.** Ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулот (жумладан ярим тайёр маҳсулот) тушунилади.

2195-сон Қоидаларнинг 6-бандига мувофиқ қуйидагилар **ишлаб чиқариш технологик жараёни бўлиб ҳисобланмайди:**

сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича операциялар;

товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш, қадоқлаш).

Мазкур рўйхат батафсил ҳисобланади. Бинобарин, агар маҳсулотни корхонанинг ўзи ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини ҳисобга олиб қайта ишлаган бўлса ва ушбу жараён юқорида кўрсатилган операцияларга кирмаса, фикримизча, уни ЭАВда экспорт қилаётганида **корхона ариза-маълумотнома бериш ҳамда белгиланган имтиёз ва преференцияларни олишга даъво қилишга ҳақлидир.**



***«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.***

# ФАКСИМИЛЕДАН ФОЙДАЛАНИНГ

***Ташкилот улгуржи савдо билан шуғулланади, кўп миқдордаги ҳужжатлар билан ишлайди, уларга директор имзо қўйиши керак. Қулайлик яратиш ва вақтни тежаш мақсадида биз раҳбар имзосининг факсимил штампини тайёрладик. Шу муносабат билан савол туғилади: уни қандай ҳужжатларга қўйиш мумкин, қайсиларига қўймаслик керак, мазкур муҳрни ташкилот бўйича буйруқ ва (ёки) низом билан «легаллаштириш» талаб қилинадими?***

**А.Коваль.**

– **Факсимилени қуйидагиларга қўйиш тақиқланади:**

пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатларга;

юридик шахс кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятларини акс эттирадиган ҳужжатларга;

бирламчи ҳисоб ҳужжатларига (юкхатлар, ТМБни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва б.) *(«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг[1] 8–10-моддалари);*

солиқ, молиявий ва бошқа давлат ҳисоботи ҳужжатларига *(Солиқ кодекси 44-моддасининг иккинчи қисми; Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидалари[2] ва ҳоказо);*

пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларига (тўлов топшириқномалари, аккредитив учун аризалар ва б.) *(Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом[3] 13-бандининг тўртинчи хатбошиси);*

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларга.

**Хўжалик шартномалари, бажарилган ишлар** (кўрсатилган хизматлар) **далолатномалари** (агар уларда ТМБни қабул қилиш-топшириш ҳам назарда тутилмаган бўлса), **хатлар ва амалий тусдаги бошқа ҳужжатларда,** башарти ушбу масала контрагент билан келишилган бўлса, **факсимиледан фойдаланишга йўл қўйилади** *(Фуқаролик кодекси 107-моддасининг иккинчи қисми).*

**Ташкилот раҳбари имзосининг факсимилесини муомалага киритиш учун:**

буйруқ (фармойиш) билан унга (уларга) мазкур муҳрдан фойдаланиш, унга (ҳар бирига) ишончномани расмийлаштириш ҳуқуқи берилган шахс ёки бир нечта шахсни тайинлаш;

факсимиле қўйиш мумкин бўлган ҳужжатлар тоифаларини, шунингдек уни қўллашга рухсат бериладиган ёки, аксинча, тақиқланадиган ҳолларни белгилаш ва номма-ном қайд этиш (буларнинг ҳаммасини ана шу буйруқда ёки алоҳида локал ҳужжатда кўрсатиш мумкин);

зарурат бўлганда факсимилени қўллаш тартибини белгилайдиган локал ҳужжатни (низом, йўриқнома, регламент ва бошқалар) тасдиқлаш зарур.

***Артём МОКШИН,
«Norma» МЧЖ эксперт
юридик хизматининг
бошлиғи.***

*[1]1996 йил 30 августдаги 279-I-сон.*

*[2]Молия вазирининг АВ томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғига 7-илова.*

*[3]МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

**Реклама**

NORMA

Эксперт маълумотнома тизими

**КОРХОНА ЮРИСТИ**

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Мавзуга қайтиб

# СТАЖ ЭСА ЕТАРЛИ ЭМАС

***«СБХ» газетасининг 2011 йил 12 майдаги 19-сонида чоп этилган «Қонуний иш ҳақи – муносиб пенсия гарови» материалида ёшга доир энг кам пенсия 97 285 сўмни ташкил қилади деб ёзилган. Менинг турмуш ўртоғим 11 йиллик иш стажига эга ва 57 000 сўм пенсия олади. Биз Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилиб, нима учун газетада энг кам пенсия 97 285 сўмни ташкил қилади деб ёзилган, аёлимнинг пенсияси бундан анча кам деб сўрадик. Бироқ қониқарли жавоб олмадик. Балки сизлар тушунтириб берарсизлар?***

**Р.Нуриддинов, пенсионер.**

– Президентнинг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон Фармонига[1] мувофиқ ёшга доир энг кам пенсия ҳақиқатан ҳам 97 285 сўмни ташкил қилади, бу «СБХ»нинг 2011 йил 12 майдаги 19 (875)-сонида чоп этилган «Қонуний иш ҳақи – муносиб пенсия гарови» материали жадвалида ҳам кўрсатилган. Бироқ ёшга доир ушбу энг кам пенсия **уни тайинлаш учун тўлиқ иш стажи мавжуд бўлгандагина,** яъни эркаклар учун – 25 йил, аёллар учун – 20 йил бўлганда, назарда тутилган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг[2] 29-моддасига биноан эса **иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар** бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади. Бироқ улар:

ёшга доир пенсиялар учун – **ЭКИҲнинг 50 фоизидан;**

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – **ЭКИҲнинг 100 фоизидан;**

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – **ЭКИҲнинг 50 фоизидан;**

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – **ЭКИҲнинг 50 фоизидан;**

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – **ЭКИҲнинг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.**

**Турмуш ўртоғингиз тўлиқ бўлмаган стажга эгалиги боис, унинг пенсияси тўлиқ иш стажига эга бўлган шахслар учун белгиланган ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин.**



# МОДДА БОР, НАФАҚА ЭСА ЙЎҚ

***Оила кодексининг 186-моддасида кўрсатилишича, васий ва ҳомийнинг ўз вазифаларини бажариши учун сарфлаган харажатлари...*** 

***Оила кодексининг 186-моддасида кўрсатилишича, васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур шахснинг маблағи ҳисобидан қопланади, бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда эса, унинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлайди. Ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш тартибини қандай меъёрий ҳужжат тартибга солишини билмоқчи эдим. Ушбу нафақа қанча миқдорни ташкил этади?***

**Р.Ҳамроев,**
**Р.Энис.**
**Олмалиқ шаҳри.**

– Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида низомнинг[3] 7-бандига мувофиқ васийликдаги ва ҳомийликдаги шахснинг таъминоти учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолларда, васийлик ва ҳокимлик органлари унинг таъминоти учун нафақа тайинлайдилар.

Оила кодексининг 175-моддасига кўра, васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан – **халқ таълими бўлимларига;**

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – **соғлиқни сақлаш бўлимларига;**

соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан – **меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари** зиммасига юклатилади.

**Ушбу органлар васийликдаги шахсларга нафақа тайинлашлари керак.** Бироқ ҳозирги вақтда қонунчилик ушбу нафақани тайинлаш тартибини белгиламаган. Унинг энг кам ва энг кўп миқдорлари белгиланмаган.

*[1]«Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида».*

*[2]1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон.*

*[3]ВМнинг 1999 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга оширишга доир зарур норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 171-сон қарорига 2-илова.*

# ОНАГА НАФАҚА ТЎЛАШ ИШ БЕРУВЧИ ЗИММАСИДА

***Мен меҳнат шартномасига асосан Россия ваколатхонасида ишлайман. Декрет таътилига чиқиш ва бола туғилиши муносабати билан менга қандай тўловлар қайси муддатда тўланиши кераклигини маълум қилсангиз. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар нима дегани? Уларнинг қайси бирларини олишим мумкин? Ушбу ёрдам менга қанча муддатда ва қай миқдорда тўланиши керак?***

**А.Рожкова.**

– Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар – давлат томонидан кафолатланган, даромадларидан ижтимоий суғуртага бадаллар олинган шахсларга тўланадиган нафақалардир. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва меҳнат шартномалари асосида ишлайдиган барча шахслар ижтимоий суғуртага бадаллар тўловчилардир. Бунда ушбу ажратмаларни тўлаш бўйича тўғридан-тўғри мажбурият иш берувчилар зиммасига юкланади, улар ҳар ойда ходимларнинг иш ҳақидан ушбу ажратмаларни ушлаб қолади. Чет эл корхоналари, шу жумладан уларнинг ваколатхоналарига ҳам, уларни тўловчи ҳисобланган ходимларга суғурта бадалларини ҳисоблаб ёзиш ва ушлаб қолиш мажбурияти татбиқ этилади. Ва, тегишинча, бундай ходимлар қуйидаги нафақаларни олишга ҳақлилар:

**ҳомиладорлик ва туғиш бўйича** *(Меҳнат кодексининг 233, 286-моддалари, бундан кейин – МК).*

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга[1] *(бундан кейин – 1136-сон Низом)* кўра **ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси** асосий иш жойи бўйича меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида унга чиқиш пайтидан бошлаб ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг бутун даври учун **тўлиқ иш ҳақи (100%) миқдорида тўланади. 2011 йилда ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юкланган, у нафақани ўз маблағлари ҳисобидан тўлаши керак**[2]. Ушбу меъёрдан истиснолар назарда тутилмаган. Тегишинча, Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритадиган чет эл корхоналари ҳам мазкур нафақани ўз ҳисобларидан тўлашлари шарт;

**бола туғилганда бир марталик нафақа** *(МКнинг 287-моддаси).*

**Ушбу нафақа ишлаётган аёлларга иш жойида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан тўланади** *(1136-сон Низомнинг 1-банди)*, бунинг учун ФҲДЁ органлари томонидан берилган бола туғилганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилиши керак. **Нафақанинг суммаси** бола туғилган санада қонун ҳужжатлари билан белгиланган **энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорига тенг** *(1136-сон Низомнинг 79-банди)*. У корхонанинг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссиялар бўлмаган корхоналарда нафақалар иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади *(1136-сон Низомнинг 93-банди)*. Нафақа олиш мақсадида қилинган мурожаатни қайд этиш учун ходиманинг аризаси рўйхатга олинишига эришиш жуда муҳим. Чунки ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин ёки бола туғилганидан кейин 6 ой мобайнида нафақа олиш учун мурожаат қилинмаган тақдирда у тўланмайди *(1136-сон Низомнинг 5-банди).*

Нафақа ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бирга бир марта тўланади. Ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар ушланмай-



ди *(Солиқ кодекси 178-моддасининг 1-банди ва 179-моддасининг 20-банди);*

**2 ёшга тўлгунга қадар болани парвариш қилиш нафақаси** *(МКнинг 234-моддаси).*

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин, аёлнинг хоҳишига кўра, унга ушбу давр учун нафақа тўлаган ҳолда бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш таътили берилади. Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга[3] мувофиқ **ишловчи аёлларга бола парваришлаш учун нафақа** тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кунидан олдин бўлмаган муддатда **иш жойи бўйича тўланади.** Уни тайинлаш учун асос бўлиб корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг қарори ҳисобланади.

Болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш учун аризачи корхона маъмуриятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

а) болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳақидаги ариза;

б) бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

**Нафақа, парваришланаётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда ЭКИҲнинг 200 фоизи миқдорида тўланади.**

**Бола парваришлаш учун нафақа тўлови корхоналарда (шу жумладан хорижий) ишлаётган шахслар учун ушбу корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.** Корхоналар томонидан болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлаш учун сарфланган маблағлар давр харажатларига киритилади ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган база ушбу суммага камайтирилади.

*[1]Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

*[2]Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1449-сон қарори 23-банди.*

*[3]МАИМҚВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

***Жавобларни «Norma» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**
  – «Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни сертификатлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- **ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 30 АПРЕЛДАН 6 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИБ КЕЛИНАЁТГАН МОЛ-МУЛКНИ СЕРТИФИКАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 20-21-сон, 200-модда)*

«Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ-1652-сон Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сон қарорини, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек хорижий инвесторлар ва корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни сертификатлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири*
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2011 йил 16 май*
*136-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2011 йил 16 майдаги 136-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИБ КЕЛИНАЁТГАН МОЛ-МУЛКНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкка сертификатнинг йўқлиги ариза берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган умумий тартибда амалга ошириладиган олиб келишни чеклашга асос ҳисобланмайди.

### II. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** – ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган мол-мулкка сертификат олиш учун мурожаат қилган хорижий инвестор ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона;

**хорижий инвестор** – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инвестицияларни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

**хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона** – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, қонун ҳужжатларида белгиланган мезонларга жавоб берадиган корхона;

**ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкка сертификат** (кейинги ўринларда сертификат деб аталади) – маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг технологик жараёнида фойдаланиш учун олиб келинаётган мол-мулкнинг ишлатилишини тасдиқлайдиган ҳужжат;

**ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулк** (кейинги ўринларда мол-мулк деб аталади) – маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хиз-

матлар кўрсатишнинг бевосита технологик жараёнида фойдаланиш учун ариза берувчи томонидан олиб келинадиган моддий бойликлар ва ашёлар жами;

**товарга илова қилинадиган ҳужжат** (инвойс ва транспорт юк хати) – юкни жўнатувчи ёки етказиб берувчи томонидан юкланган ёки ташиладиган товар билан биргаликда юбориладиган, товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинганлиги ҳолатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

**ишлаб чиқариш** – моддий ва/ёки бошқа бойликлар – маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни яратиш жараёни;

**технологик жараён** – маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун изчил бажариладиган операциялар жами;

**ваколатли орган** – «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

**эксперт** – зиммасига ишлаб чиқариш экспертизасини ўтказиш, экспертиза далолатномасини ёки эксперт хулосасини расмийлаштириш ва сертификат тайёрлаш функциялари юкланган ваколатли органнинг вакили;

**ишлаб чиқаришни экспертизадан ўтказиш** – ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ариза берувчининг ишлаб чиқиришини эксперт тартибида текшириш.

## III. ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИБ КЕЛИНАЁТГАН МОЛ-МУЛКНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

4. Сертификат ваколатли орган томонидан қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда берилади:

мол-мулкдан бевосита ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш;

ариза берувчининг ишлаб чиқариш майдонида (шу жумладан ижарага олинган майдонда) унинг ходимлари томонидан ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнлари амалга оширилиши;

ўзининг (шу жумладан ижарага олинган) асосий ва айланма маблағларидан, шу жумладан жалб этилган молиявий ресурслардан фойдаланиш.

5. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига тегишли бўлмайди:

мол-мулкни майдалаш;
мол-мулкни навларга ажратиш;
мол-мулкни қайта ўраш;
қадоқлаш ёки ўраш;
мол-мулкни аралаштириш;
юқорида кўрсатиб ўтилган операцияларнинг иккитасини ёки ундан ортиғини бирга қўшиб олиб бориш.

## IV. СЕРТИФИКАТ ОЛИШ УЧУН АРИЗА БЕРИШ

6. Сертификат олиш учун ариза берувчи ишлаб чиқариш амалга ошириладиган жой бўйича ваколатли органга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ёзма ариза беради.

7. Аризага раҳбарнинг ёхуд ишлаб чиқариш учун масъул шахснинг имзоси ва ариза берувчининг муҳри билан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ариза берувчининг таъсис ҳужжатлари нусхалари, улар бир йилда бир марта, шунингдек уларга ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда тақдим этилади;

ариза берувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ушбу гувоҳнома бир йилда бир марта тақдим этилади (ариза берувчи қайта ташкил этилган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома нусхаси тақдим этилади);

ариза берувчининг раҳбари ва ишлаб чиқариш учун масъул шахс томонидан тасдиқланган (хорижий инвестор томонидан ариза берилганда – ариза берувчи ёки унинг ишончли шахси томонидан тасдиқланган) ўзининг ёки ижарага олинган мавжуд бинолар ва асбоб-ускуналар (маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш қуввати кўрсатилган ҳолда), шунингдек ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган меҳнат ресурслари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар;

ариза берувчининг раҳбари ва ишлаб чиқариш учун масъул шахс томонидан тасдиқланган (хорижий инвестор томонидан ариза берилганда – ариза берувчи ёки унинг ишончли шахси томонидан тасдиқланган) ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига сарф нормаси (хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ҳамда компонентлар ва ҳоказолар импорт қилинган тақдирда), шунингдек 12 ой учун мол-мулкка бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоби;

ариза берувчининг раҳбари ва ишлаб чиқариш учун масъул шахс томонидан тасдиқланган (хорижий инвестор томонидан ариза берилганда – ариза берувчи ёки унинг ишончли шахси томонидан тасдиқланган) ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни тавсифи;

ваколатли органларда белгиланган тартибда ҳисобга қўйилган импорт контракт нусхаси ёки унинг асосида мол-мулк етказиб бериладиган бошқа ҳужжат;

мол-мулк Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинганлиги тўғрисида давлат божхона хизмати органлари белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар нусхалари.

Хорижий инвестор томонидан ариза берилганда ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хат бошида кўрсатилган ҳужжатлар ўрнига хорижий инвестор унинг асосида фаолиятни амалга оширадиган ҳужжат (таъсис шартномаси ёки оддий ширкат тўғрисидаги шартнома ёхуд хорижий инвесторнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти шаклидан далолат берувчи бошқа ҳужжат) тақдим этилади.

Ариза берувчи томонидан технологик асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар олиб келинган тақдирда, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун мол-мулк олиб келинган тақдирда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига сарф нормаси ўрнига олиб келинадиган мол-мулкнинг зарурлиги асосланган, шунингдек олиб келинадиган технологик асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар, шунингдек уларнинг вазифаси, ўрнатиладиган жойи ёки алмаштирилиши тавсифланган хат тақдим этилади.

8. Сертификат олиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилиги учун ариза берувчи жавоб беради.

9. Тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

10. Сертификат олиш учун берилган ариза тушган кунидан бошлаб 5 иш куни мобайнида кўриб чиқилади. Ариза берувчидан қўшимча маълумотлар олиш зарур бўлганда аризаларни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунигача узайтирилади.

11. Ариза берувчи ариза берилгандан кейин 3 иш куни мобайнида экспертнинг экспертиза ўтказиш учун ишлаб чиқариш амалга ошириладиган жойга киришини таъминлашга мажбурдир.

## V. СЕРТИФИКАТ БЕРИШ

12. Эксперт тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ҳужжатларда етарли зарур маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда олиб келинадиган мол-мулкдан ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиш учун шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш учун ишлаб чиқариш жойининг ўзида ариза берувчининг ишлаб чиқаришини экспертизадан ўтказади, ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлардан келиб чиқиб олиб келинадиган мол-мулкдан фойдаланишнинг тахминий муддатини аниқлайди.

13. Ишлаб чиқариш экспертизасининг натижалари ари-

за берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлган тақдирда эксперт томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича экспертиза далолатномаси тузилади.

14. Қуйидаги ҳолларда:

ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан бирортасида сертификат олиш учун зарур маълумот йўқ бўлганда;

тақдим этилган ҳужжатларда бузилган маълумотлар мавжудлиги аниқланганда;

ариза берувчининг ишлаб чиқаришини экспертизадан ўтказиш учун экспертнинг ишлаб чиқариш амалга ошириладиган жойга қўйилиши таъминланмаганда;

ушбу Низомнинг 4-банди талабларига риоя қилинмаганда;

ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳолларда сертификат беришнинг рад этилиши юзасидан, ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда эксперт хулосаси расмийлаштирилади.

Бошқа асослар бўйича сертификат беришнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

15. Ҳужжатларни такрорий кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан эксперт хулосасида илгари баён қилинмаган янги мулоҳазалар тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Бунда агар олдинги мулоҳазалар ишлаб чиқариш жойига чиқмасдан кўрсатилган бўлса, янги мулоҳазалар тақдим этилишига йўл қўйилади.

Рад этилганда эксперт рад этиш сабабларини бартараф этиш учун ариза берувчига 20 кун муддат берган ҳолда эксперт хулосасини расмийлаштиради. Ушбу ҳолатда ҳужжатлар ариза берувчи томонидан кўрсатилган муддат мобайнида такроран тақдим этилган тақдирда ариза кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

16. Экспертиза далолатномаси асосида ваколатли орган томонидан ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича икки нусхада сертификат берилади.

17. Сертификат инвойсга мувофиқ тузилган контракт доирасида республика ҳудудига олиб келинган мол-мулк ҳажмига (сонига) расмийлаштирилади. Сертификат мол-мулк Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ўтган кундан бошлаб 12 ойдан кечикмай берилиши мумкин.

18. Сертификат 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Сертификатнинг амал қилиш муддатини ариза берувчининг асосланган ёзма мурожаати асосида муддати тамом бўлгунига қадар узайтиришга йўл қўйилади. Ваколатли орган ариза берувчининг мурожаатини кўриб чиқиб, 5 иш куни мобайнида ариза берувчига сертификатнинг амал қилиш муддатини, бироқ 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатини кўрсатган ҳолда хат юборади.

19. Сертификат йўқолган ёки бузилган тақдирда ариза берувчининг мурожаатига кўра ваколатли орган томонидан 5 иш куни мобайнида икки нусхада сертификатнинг дубликати берилади (сертификатнинг тартиб рақамидан кейин «дубликат» сўзи ёзилади). Сертификатнинг дубликати ваколатли орган томонидан фақат йўқолган ёки бузилган сертификатнинг амал қилиш муддатига расмийлаштирилиши мумкин.

## VI. СЕРТИФИКАТГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

20. Илгари берилган сертификатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун ариза берувчи ваколатли органга сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма асосланган мурожаатни тақдим этади.

Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни текшириш зарур бўлганда ариза берувчининг ишлаб чиқариши қўшимча равишда экспертизадан ўтказилади.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ваколатли орган 5 иш куни мобайнида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича икки нусхада сертификатга ўзгартириш ёки қўшимчани расмийлаштиради.

## VII. ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИБ КЕЛИНАЁТГАН МОЛ-МУЛКНИ СЕРТИФИКАТЛАШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ВА ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

21. Экспертизани ўтказиш ва сертификатни расмийлаштириш харажатларини ариза берувчи тўлайди.

22. Сертификат беришга ариза кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчи томонидан ваколатли органга мурожаат қилинган санада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов тўланади. Дубликат, шу жумладан илгари берилган сертификатга қўшимча экспертиза ўтказилиши натижаси бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар расмийлаштирилганлиги учун кўрсатиб ўтилган сумманинг 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Эксперт хулосаси расмийлаштирилган ҳолда сертификат бериш рад этилган тақдирда ариза берувчи томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

23. Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкнинг сифати учун ариза берувчи жавоб беради.

24. Экспертиза тўғри ўтказилганлиги ва сертификат берилганлиги учун эксперт ва сертификатни имзолайдиган ваколатли органнинг мансабдор шахси жавоб беради.

25. Ваколатли орган ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шакл бўйича бериладиган сертификатлар реестрини юритади. Реестрлар ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юборилади.

26. Давлат божхона хизматининг божхона органлари ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун божхона тўловлари тўламасдан мол-мулк олиб келган хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар реестрини ҳамда берилган имтиёзларнинг ҳисобини юритади.

Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинган мол-мулк эркин муомалага чиқарилгандан кейин давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунигача ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига (ариза берувчининг тегишлилиги бўйича) ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган мол-мулк тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари маълумот олинган санадан бошлаб уч кун муддатда маълумотларни ариза берувчининг тегишлилиги бўйича туман давлат солиқ инспекцияларига юборади.

Сертификат олган ариза берувчи ҳар олти ойда туман давлат солиқ инспекциясига (тегишлилиги бўйича) ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шакл бўйича ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган мол-мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги декларацияни тақдим этади.

Кўрсатиб ўтилган декларация тақдим этилмаган ёки имтиёзлар қўлланган ҳолда ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинган мол-мулкдан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органи аниқланган ҳолатлар тўғрисида ҳужжатлар тузади ва уч иш куни мобайнида ушбу ҳужжатларни давлат солиқ хизматининг тегишли ҳудудий органларига юборади. Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинган ва бошқа мақсадларда фойдаланилган (қайта сотиш, бартер бўйича айирбошлаш ва ҳоказо) мол-мулкка божхона тўловлари бўйича имтиёзлар суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда давлат бюджетига ундирилади.

27. Ваколатли орган 15 январгача бир йилда бир марта ёки имзолар ўзгарган тақдирда 10 кун муддатда Давлат божхона қўмитасига сертификатни имзолаш ваколати берилган мансабдор шахслар имзолари намуналарини ва сертификатни тасдиқлашда фойдаланиладиган муҳрлар излари намуналарини тақдим этади.

28. Ваколатли органнинг эксперт хулосаси юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 30 АПРЕЛДАН 6 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2011 йил 11 апрелдаги 2011-06-сонли буйруғи.*

***2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2221 (2011 йил 10 майдан кучга кирди).***

2. «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 30 мартдаги 27, 26, 2, 84, 126, 01-02/5-31-сонли қарори.*

***2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222 (2011 йил 10 майдан кучга кирди).***

3. «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисидаги тартибни ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2011 йил 30 мартдаги 4-П, 1, 25, 125-сонли қарори.*

***2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 198-2 (2011 йил 10 майдан кучга кирди).***

4. «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 16 мартдаги 3-сонли қарори.*

***2011 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2223 (2011 йил 12 майдан кучга кирди).***

5. «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 29 апрелдаги 22-Б-сонли буйруғи.*

***2011 йил 3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1848-1 (2011 йил 13 майдан кучга кирди).***

6. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/1-сонли қарори.*

***2011 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1122-8 (2011 йил 15 майдан кучга кирди).***

### II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ишлаб турган нафақахўрларга нафақа бериш тартиби, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 198, 1995 йил 20 декабрь), (рўйхат рақами 198-1, 2005 йил 20 июль).*

2. Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартибига қўшимча. *Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 214, 1996 йил 4 январь).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 30 апрелдаги 93-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмитага хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ва маъмурий жаримани қўллаш тартиби, 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 894, 2000 йил 9 февраль).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 2 майдаги 94-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

### III. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида аэронавигация хизматлари маълумоти» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-174)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.***

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

*Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.*

*Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.*




**МУНДАРИЖА:**

✓ Уй-жой фондини бошқарувчи компаниялар бирлашмоқда
✓ Мулкдорлик туйғусини сингдириб
✓ Канализация... хусусийлаштириладими?

# УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАР БИРЛАШМОҚДА

***Уй-жой соҳасидаги ислоҳотларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида мамлакатимизда Уй-жой фондини профессионал бошқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмаси ташкил топди.***



Ана шу Уюшмани ташкил этиш зарурати уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасини ислоҳ этишнинг устуворликларидан бири, хусусан уй-жой хизматлари бозорини ривожлантириш, жой мулкдорлари ва ХУМШлар тимсолида билимдон буюртмачилар шаклланишига кўмаклашиш тақозосидир. Уюшманинг нияти эзгу – у мазкур йўналиш равнақ топишига янги омил бахш этишни кўзламоқда. Бунда Уюшма хилма-хил ҳаракатлардан, хусусан ахборот ва маслаҳат хизматларидан; уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш борасида мамлакатимиз ҳамда хориждаги энг яхши тажрибани ўрганиш ва оммалаштиришдан; бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар раҳбарлари ўқувини ташкил этиш ҳамда ўтказишдан; уй-жой ва коммунал соҳа масалаларига оид норматив базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан; турар жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва бошқа кўпгина ишлардан фойдаланади.

Уй-жой фондини профессионал бошқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмаси қуйидаги манзилда жойлашган:
**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй, 6-қават, 600-хона.**
Мулоқот учун телефонлар:
**(8 371) 235-90-31 (+99890 175-33-64; +99897 158-53-30; +99890 293-79-09).**
Электрон манзил: ***uyushma_pbk@mail.ru; rakhima_rl@mail.ru; bashorat@mail.ru***

---

# МУЛКДОРЛИК ТУЙҒУСИНИ СИНГДИРИБ

***Навоий шаҳри уй-жой ва коммунал хўжалиги икки тизимда фаолият кўрсатиб турган мамлакатимиздаги ягона шаҳардир. Навоий кон-металлургия комбинати уй-жой-коммунал бошқармасининг уй-жойлардан фойдаланиш идораси фаолияти эски усулга мансуб бўлса, ХУМШ негизидаги уй-жойни бошқариш хусусан, Навоий шаҳри учун янги усулдир. Вилоят марказидаги ХУМШлар уюшмаси раиси Муҳайё УРЧИНОВА билан суҳбатимиз тинч-тотув яшаб келаётган ана шу икки тизим ва соҳанинг бошқа жиҳатлари ҳақида бўлди.***

---

**Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

***– Соҳада хўжалик фаолияти юритишнинг икки модели амал қилиши уларнинг ўзаро рақобатлашувини назарда тутади, албатта. Шаҳримизда ана шундай рақобат борми, агар бор бўлса, у нималарда намоён бўлмоқда?***

– Бизда умум тушунчадаги рақобат йўқ, ҳозирча бўлиши ҳам мумкин эмас. Биринчидан, таъбир жоиз бўлса, вазн тоифаларимиз ҳар хил. Шаҳардаги мавжуд 28 500 дан ортиқ квартирадан нари борса 4 000 таси ширкатлар балансидадир. Бошқача қилиб айтганда, бозордаги улушимиз унча салмоқли эмас.

***– Ундай бўлса, рўзғорни бўлак қилишдан не наф – ҳаммаси ўз ҳолича қолдирилгани маъқул эмасми?***

– ХУМШни биз ўйлаб топган эмасмиз, қолаверса бу нарса таомил кетидан қувиш ҳам эмас. Зотан, кўп квартирали уйдаги жой мулкдорлари уйнинг техник ҳолати ва коммуникацияларидан бошқаларга нисбатан яхши хабардор. Барча тизимлар соз, равон ишлаб туришидан, томдан чакка ўтмаслигидан, уйда шароит шинам бўлишидан энг аввало уларнинг ўзи манфаатдордир. Шундай экан, уй таъминотини нега зиммага олмасликлари керак? Бу ғоя жой мулкдорлари ширкатларида мужассам топди, бинобарин, ширкатлар ҳозирча уй-жой хўжалигини бошқаришнинг энг самарали ва мақбул шакли саналади.

Бугунги кунда Навоийда 12 та ХУМШ ишлаб турибди, йил охиригача яна 3 та ширкат очамиз. Миқдор кўрсаткичлари тез ўсиши мумкин, қолаверса кон-металлургия комбинати турар жойларни беришга тайёр. Жорий йилнинг бошларида комбинат шаҳарнинг 8-даҳасидаги 10 та уйни ХУМШ шафелигига олишни таклиф қилди, бироқ биз шошмасликни маъқул кўрдик.

***– Бунчалик эҳтиёткорликнинг боиси нима? Балки квартира мулкдорларининг ўзи яхшиликка ёмонлик бўлмасин қабилида иш тутиб, ширкат қаноти остига ўтишга ошиқмаётгандирлар?***

– Боиси мавжуд қоидаларга кўра аввалги баланс эгаси уйни капитал таъмирлаши ва шундан кейингина янги мулкдорга ўтказиши лозим. Комбинат ресурслар ва молиялаштириш бобидаги муаммоларини рўкач қилиб, нари борса юзаки таъмирлашдан ўтказилган турар жойларни тиқиштирмоқда.

Шаҳар маъмурияти ширкатлар ташкил этишда катта ёрдам бермоқда. ХУМШларни ташкил этиш шаҳар дастурини ҳокимликнинг кўмагисиз тўхтатиб қўйишга тўғри келарди. Гап шундаки, ХУМШга бирлашаётган кўчмас мулк объектларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларининг 70 фоизи маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, сарф-харажатларнинг қолган қисми эса ширкатлар томонидан қопланади. Харажатларнинг каттагина қисми кўп қаватли уйларнинг томини тиклашга ва ертўлалардаги коммуникацияларни тўла модернизация қилишга кетмоқда.

Назаримда, ширкатлар кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича уй-жой-коммунал бошқармасининг ишлаб чиқариш тузилмаларини ортда қолдириб кетдилар. Бунинг сабаби бор, албатта. ХУМШда уй хўжалиги ҳажм жиҳатидан анчагина камлиги боис, унинг ҳолатини талаб даражасида сақлаб туриш бирмунча осон. Биздаги ҳамма уйлар капитал таъмирланди, коммуникация тармоқлари тўлиқ янгиланди, коммунал хўжалигини мониторинг қилиш ва шошилинч ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи хизматлар ташкил этилди. Энг муҳим ютуқ шундаки, квартира эгаларида ўзларига қарашли жойгагина эмас, бутун уйга нисбатан мулкдорлик туйғуси ҳосил бўлди. Ўз вақтида ширкат раиси бўлиб ишлаганман, шу сабабли одамларда ХУМШга муносабат ўзгарганлигини бошқаларга нисбатан кўпроқ сезаман.

***– Бошқарувчи компаниялар пайдо бўлиши билан ширкатлар оддийгина воситачига айланиб қолмаяптими? Эндиликда истеъмолчи хизмат кўрсатилишини сўраб, ХУМШга эмас, балки тўғридан-тўғри бошқарувчи компанияга мурожаат этгач, жой мулкдорлари ширкатсиз ҳам иш битиравеpишлари мумкин-ку?***

– ХУМШ фаолияти воситачилик вазифалари билан чекланиб қолмоқда, деб айтишга журъат қилмаган бўлардим. Негаки, ширкат энг аввало кўп қаватли уйдаги барча аҳолининг манфаатларини ифода этувчи жамоавий органдир. У бошқарувчи компания хизматлари буюртмачисидир. Менимча, бошқарувчи компаниянинг пайдо бўлиши ХУМШларнинг тижоратлашуви олдини олишга ёрдам берди. Масалан, биздаги энг йирик ширкат Спутник шаҳарчасида бўлиб, унда битта ХУМШга 16 та уй бирлашган. Бу ширкат анчагина муваффақиятли тарзда ривожланди, ХУМШларнинг республика миқёсидаги танловида иштирок этди, халқаро грант олишга муваффақ бўлди. Ўз ишлаб чиқариш базасини яратди. Шаҳарнинг бошқа жойларидаги истеъмолчилар унга хизмат кўрсатилишини сўраб, мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар. ХУМШ амалда кичик корхонага айланиб қолди.

Бошқа ширкатлар ҳам айни шу ўзанда ривожланди.

ХУМШлар ташкил топишининг дастлабки босқичида мутахассисларнинг халқаро тажрибага риоя этиб, битта, нари борса иккита уй асосида ширкат тузиш ҳақидаги тавсияларига биз амал қилишни лозим топмадик. Биздаги битта ХУМШ камида 4-5 та уйни бирлаштирди. Ўз ишлаб чиқариш инфратузилмасини йўқ ердан барпо этишга киришган барча ширкатлар учун ривожланишнинг шу варианти режалаштирилди. Бунда уйдаги умумий мол-мулк тўла ҳажмда таъминотга олинадиган бўлди. Мазкур ишда энг аввало балансида кўп уй бўлган ширкатлар ютди деб ҳисоблашади.

Бошқарувчи компаниялар мазкур бозорга кириб келиши билан ваколатларни аниқ белгилаб, фарқлаб олишга тўғри келди. Уйларнинг хўжалик фаолияти, уларга техник хизмат кўрсатиш бошқарувчи компания зиммасига тушди. Бошқарув билан боғлиқ масалалар эса ХУМШлар ихтиёрида қолди. Энди улар бошқарувчи компания хизматларининг асосий буюртмачиси бўлиб қолдилар. Қайси таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш, бу ишни қандай муддатларда амалга ошириши зарурлиги, тўловлар билан боғлиқ икир-чикирларни ХУМШ билан бошқарувчи компания ўзаро келишган ҳолда ҳал этадиган бўлдилар. Шуниси ҳам борки, бунда бажарилаётган ишларнинг сифатини ширкатлар буюртмачи сифатида назорат қилиб борадилар.

Ширкатларда ёзилмаган қуйидаги қоида ўз-ўзидан қарор топган: квартира эгалари ўзаро йиғилиб мажбуриятларни тақсимлайдилар, ким нима билан шуғулланишини, қанақа довдарахт ўтказилишини, кўчатларни ким сотиб олади-ю, харажатлари қай йўсинда қопланади, биргалашиб ҳал этадилар. Бу энди одатдаги ҳол саналади. Ҳолбуки, ХУМШлар иш бошлаган дастлабки йилларда кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватида яшайдиганлар билан чинакам «жанг» қилишга тўғри келарди – улар деразалари ёнгинасидаги ер участкаларини амалда хусусийлаштириб, томорқага айлантириб олган эдилар ҳисоб. Эндиликда бир пайтлар рўзғор учун помидор, ошкўклар экилган жойларда гулзорлар барпо этилиб, манзарали дарахтлар яшнаб турибди.

Ширкатлар юқоридан бирор-бир кўрсатма кутмай, коллектор агентликлар вазифасини шундоққина ўзлаштириб олдилар. Биз истеъмол қилинган сув учун квартира эгалари қарздорлигини барҳам топтиришда сув етказиб берувчиларга кўмаклашмоқдамиз. Биздаги ХУМШлар ва бошқарувчи компаниялар қарздорлар билан якка тартибда шартномавий келишув тузиш асосида дебиторларнинг қарзини ўз маблағлари ҳисобидан тўлиқ узмоқдалар. Қарздорлар эса шу келишув асосида зиммадаги қарзни келишилган жадвал асосида тўлаш, жорий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган муддатда, вақтида амалга ошириш мажбуриятини олмоқдалар.

***– ХУМШлар учун солиқ тўлаш борасидаги «таътил» ҳам тугади. Агар уларда, айтайлик тижорат фаолиятидан қўшимча даромад пайдо бўлса, шу даромад ҳисобидан солиқ тўлашлари керак. Аммо тушган бадаллар, ҳомийлик ёрдамлари, муайян мақсад учун мўлжалланган бадаллардан улар бошқа барча нотижорат ташкилотлари каби солиқ тўламасликлари керак. Тўғрими?***

– Мен ширкатлар ва бошқарувчи ташкилотлар Пенсия жамғармасига ажратмалардан бўлак солиқларни тўлашдан умрбод озод этилиши керак деб ҳисоблайман. Зотан давлат уй-жой-коммунал хўжалигини ҳозирга қадар субсидия билан таъмин этиб келмоқда. Бу соҳадаги сарф-харажатлар аввалгидек республика ва маҳаллий бюджетларда мужассам этилаётир. Бошқарувчи компанияларга янада каттароқ масъулият юклаб, ширкатларнинг ўз уставларида белгиланган

**Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.**

фаолиятига зид бўлмаган қўшимча даромад манбаларини излаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириб давлат харажатларини камайтирган яхшимасми?!

Назаримда, воқеалар келгусида мана бу тарзда ривож топади: ширкатлар жой мулкдорларининг жамоавий хоҳиш-иродасини ифодаловчи жамоат бирлашмалари шаклида қайта ташкил этилиш йўлидан боришда давом этади, бошқарувчи компаниялар эса хўжалик фаолиятига зўр беради. Бунда компанияларнинг манфаатлари ширкатларга хизмат кўрсатишнинг ўзи билангина кифояланиб қолмайди, улар бошқа истеъмолчиларни излаш орқали мижозлар доирасини кенгайтиришга киришадилар.

Айни чоғда навоийликларнинг мамлакатимиз миқёсидаги умумқабул қилинган хўжалик фаолияти қоидаларига мослашишлари қийин кечаётганлигини эътироф этишим керак. Солиқлардан «ҳоли этиб» қўйилган даврда ХУМШлар ва бошқарувчи компаниялар рисоладагилек ишлаши ҳамда фаолият кўрсатиши учун инфратузилмани шакллантиришимиз, иш маромини йўлга қўйишимиз керак эди. Мерос бўлиб ўтган муаммолар ҳам бор. Жорий ишлар асносида юзага келган ташвишлар ҳам оз эмас.

Мамлакат миқёсидаги амалиётдан фарқли равишда бизда бу жараён якун топишига анча бор. Кўп қаватли уйлардаги турар жой фондининг камида 20 фоизи бизда ҳанузгача қадар хусусий сектор балансида. Қолган турар жой фонди уй-жойкоммунал хўжалиги бошқармасининг ислоҳотлардан олдинги, яъни идоравий нормалари асосида «кун кўрмоқда». Икки хил тизимнинг чўзилиб кетган бундай қарама-қаршилиги ўзига хос белгиларга ҳам эга.

Масалан, бизда маҳаллий монопол – кон-металлургия комбинатининг бирлашган энергия хизмати билан манфаатлар низоси мунтазам равишда содир бўлади. Мазкур хизмат вилоят марказига электр энергияси, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув етказиб берилишини таъминлайди ва назорат қилиб боради. Башарти бу ишда холислар суди вазифасини гарданига олаётган шаҳар маъмуриятининг ёрдами ва кўмаги бўлмаса, монопол идорага қарама-қарши туриб беришимиз даргумон эди.

Уларнинг босими ҳозир ҳам аввалгидек. Мазкур хизматнинг энг сўнгги қатъий талаби етказиб берилган иссиқ сувга қувур кесими ва бир кеча-кундузда истеъмол қилинган сувдан келиб чиқиб, ҳақ тўлаш эди. Магистрал қувурларнинг диаметри ҳақида бир нарса деб бўлмайди, аммо уй аҳли иссиқ сувни кеча-кундуз тинимсиз истеъмол қилмайди деб монополчиларни ҳозирча ишонтира олмадик.

Магистрал қувурларга ҳисоблагич асбоблари ўрнатиш муаммони ҳал этишнинг оддий ва маъқул йўлидир. Келиб тушган электр ва иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сувнинг ялпи ҳажмини қайд этувчи ҳисоблагич асбоблари ширкатларимизга қарашли уйларнинг ярмига ўрнатилган. Бу нарса энергия хизматига ҳақиқий истеъмол ҳажмини исботлаш учунгина қилинмади. Мақсад истеъмолчилар фойдаланган ресурслар учун тўловлар тўлиқ тўланишини таъминлаш, талафотлар ва ўғирликлар манбаини аниқлашдан иборат эди. Ширкатларга қарашли уйларда электр энергияси, иссиқлик ва совуқ сув бўйича индивидуал истеъмолни аниқлаб берадиган ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган. Шу боис дебиторларни ҳам, талафот манбаларини ҳам қиёслаш ва аниқлаш имкони-



яти бор. Муаммо шундаки, ҳисоблагич воситалари қимматлиги боис уйларимизни ҳисоблагичлар билан тўлиқ жиҳозлай олмаётирмиз. Ўзимизда ишлаб чиқарилган магистрал иссиқ сув қувури ҳисоблагичлари 3 млн сўмдан ортиқ туради. Шунга ўхшаш ҳисоблагич асбобларини 2 баравар арзонга олиш мумкин. Аммо икки ўн беш бир ўттиз деганларидек, битта қувурга бунақа ҳисоблагичлардан иккитасини ўрнатишга тўғри келади. Хуллас, қиммат бўлса ҳам битта қувурга битта ҳисоблагич ишлатмоқдамиз.

Шуни ҳам инобатга олиш кераккки, магистрал қувурлардан ҳарорати 110 даражадан ортиқ иссиқ сув оқаётганида баъзан «оғишлар» ҳам бўлади – қисқа муддатга бўлса ҳам босимнинг ортиб кетишига ҳисоблагичларимиз баъзан дош беролмайди. Шундай кезлари истеъмолчилар қандай танг аҳволга тушиб қолишини тасаввур қилиш қийин эмас, чунки уларнинг ҳисоблагич асбоблари кўпи билан 90 даража ҳароратга мўлжаллангандир. Ҳарорат кескин ўзгарганлиги туфайли уйларнинг ертўлаларига ўрнатилган ҳисоблагичлар ишдан чиққанлиги билан боғлиқ талайгина ҳолатларга ҳам дуч келдик. Аммо бизда ҳисоблагич асбоблар энергия (сув) етказиб берувчининг айби билан ишдан чиққанлигини қайд этиш ва исботлаб беришга қодир техник воситалар йўқ. Хуллас, гапираман десак гап кўп...

***– ХУМШлар уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида бозор ислоҳотлари туфайли юзага келган вазифани – озми-кўпми маҳаллий ўз-ўзини бошқарув вазифасини бажара бошлади деб ҳисобламайсизми?***

– Мавзуни бунчалик чуқурлаштириб юборишни истамасдим, чунки бу йўналишда гап-сўзларнинг адоғи йўқ. Эзгу мақсад ва вазифалар ҳақида тасаввур берадиган чиройли шиор ва даъватлар бор. Масалан, «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик» деган шиор мазкур соҳада ислоҳотлар бошланмасиданоқ пайдо бўлган. Аммо бозор иқтисодиётининг қисқагина тарихи мобайнида бу шиор ХУМШ амалиёти орқали кундалик воқелик сифатида мужассам бўлди.

***Мухбиримиз***
***Амир МАҲМУДОВ ёзиб олди.***
***Навоий ш.***

***Фото nav.uz сайтидан олинди.***

Хорижий тажриба

# КАНАЛИЗАЦИЯ... ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИМИ?

***Россиянинг молиялаштириш бобида ҳамиша қийналиб келаётган сув таъминоти ва канализация соҳасида ўзгариш қилишга киришилди. Коммунал хизматлар бозорида хусусий компаниялар иштирокини анчагина кенгайтириш мўлжалланмоқда. Ислоҳотлар самарали бўлиши учун бир туркум қонун ҳужжатлари тайёрланмоқда. Деярли қаровсиз ҳолга келиб қолган уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида аҳволни хусусий фирмалар ёрдамида ўнглашмоқчи.***

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

### БУ НЕ МАНЗАРА?

Кўпгина шаҳарлардаги асосан ўтган асрнинг 90-йилларида қурилган водопровод ва канализация тармоқлари ҳозир бир ҳолатда. Ҳатто Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари аҳолиси ҳам ёз кезлари бирикки хафта сувсиз қолишади, чунки йиллик профилактика ишлари ўтказилаётган бўлади: қишли-қировли кунларда тармоқда қувурлар ёрилиши одат тусига кириб қолган. Зотан, коммунал хўжалигида тармоқларнинг емирилиш кўрсаткичи камида 60, кўпгина минтақаларда эса 70 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда аҳолини сув билан таъминлашнинг 70 фоизи давлат тузилмалари кучи билан амалга оширилмоқда, қолган 30 фоизига хусусий операторлар хизмат кўрсатмоқдалар. Тармоқларни молиялаштириш ва ривожлантиришда хусусий операторлар устун бўлиши фойдалироқдир. Агар муниципал унитар корхоналар тарифга асосланган йиғимлар ва бюджет хисобидан инвестицияланаётган бўлса, хусусий компаниялар бунга қўшимча равишда қарз ва кредитларни жалб этадилар, шунингдек ўз маблағларини киритадилар. Хуллас, уларнинг инвестицияланиш кўлами кенгроқ. Хусусий компаниялар муниципал компаниялардан фарқли равишда сарф-харажат, камайишидан манфаатдор эканлиги боис, одатда, уларда менежмент сифати юқорироқ бўлади.

Бироқ хусусий операторлар ҳам етарлича инвестицияланмайди. Бу ҳол уларда таҳдид-таваккалчилик жуда юқори даражада эканлиги билан боғлиқ. Ўзларига эмас, балки муниципалитетларга қарашли объектларга пул тикишни улар унча маънили иш деб билмайдилар. Операторларнинг даромадлари тарифлар ҳисобидан шаклланади, тарифларни эса давлат белгилайди ҳамда качон хоҳласа қайта кўриб чиқади. Бинобарин, тарифлар қандай бўлиши хусусида олдиндан бир нарса деб бўлмайди. Бундай шароитда инвестицияларни режалаштириш осон эмас, мубҳам омиллар шунчалик кўпки, иш чаппасига кетгудек бўлса, ҳамма киритмалар кўкка совурилиши мумкин.

### ҚОНУНЧИЛИК ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАР ФУРСАТ КЕЛДИ

Уй-жой коммунал хўжалигидаги концессия битимлари тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш, қолаверса «Сув таъминоти ва канализациялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазиятни яхшилик томонга ўзгартиради деб кутилмоқда. Концессиялар хусусий оператор инвестициясини ҳимоя этади ҳамда киритган маблағлари ўзига қайтишини кафолатлайди. Бунинг эвазига оператор кўплаб миқдорда инвестициялар жалб этиш мажбуриятини ўз зиммасига олмоғи керак.

Мазкур соҳа инвесторларни чинакамига қизиқтиришига биринчидан, «хўжасиз» мол-мулкни қайд этиш ва уни хусусий операторларга имкон қадар тезроқ топшириш ёрдамида эришиш мумкин. Бунда гап кимга қарашли эканлиги номаълум бўлиб қолаётган тармоқлар ҳақида бормоқда. Чунки «шўролар давридан буён» муайян қувурга бўлган мулк ҳуқуқини ҳужжатлаштириш йўли билан расмийлаштириш ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаган.

Иккинчидан, ижара шартномаларининг ҳозирги амалиёти ўрнига концессия битими жорий этилади. Бунда муниципалитет тармоқлар мулкдори бўлиб қолаверади, аммо хусусий оператор ўз инвестициялари қайтишига тегишли кафолат олади. Битим муддатдан илгари бекор қилинган тақдирда, хусусий оператор объектлар реконструкцияси ёки модернизациясига қилган харажатларини мулкдордан тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Тармоқни хусусийлаштириш мумкинлиги масаласи ҳозирча тилға олинмаётир. Концессия битими муниципалитетга аҳвол ёмонлашган тақдирда, операторни алмаштириш ва унга инвестицияларини қайтариб олиш имконини берди.

Хусусийлаштирилган тақдирда муниципалитет вазиятга таъсир ўтказа олмайди, оператор эса водоканалнинг бир қисмини мулк сифатида олиб, у билан истаган ишини қилиши, ҳатто уни умуман ишлатмаслиги ҳам мумкин. Бунда пировард фойдаланувчи учун таҳдид-таваккалчиликлар келиб чиқади, негаки у умуман сувсиз ва канализациясиз қолиши ҳеч гап эмас. Концессияга барча тарафларнинг таҳдид-таваккалчиликларини камайтирган ҳолда муниципалитет, хусусий оператор ва истеъмолчи ўртасида бир муросага келиш усули сифатида қаралади.

Учинчидан, узоқ муддат, камида беш йил амал қиладиган тарифлар (кўрсатилган хизмат учун пировард фойдаланувчи тўлайдиган ҳақ) жорий этилмоқда. Хусусий оператор келгуси беш йил ичида қанча ишлаб топиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади ва шундан келиб чиқиб, ўз харажатларини, табиийки, инвестиция билан боғлиқ харажатларини режалаштиради.

### ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Россия мазкур соҳани тартибга солишда ўзгаларнинг тажрибасига таяниши мумкин. «Қолоқлик афзаллиги» деган назария бор. Унинг маъноси шуки, қувиб бораётган мамлакат мақбул йўлни билади. Хорижда водоканаллар фақат Буюк Британия билан Чилида хусусийлаштирилган, холос. Қолган мамлакатларда хусусий операторлар концессиялар ёки шунга ўхшаш шартномалар асосида ишламоқда. Тармоқни тўла хусусийлаштирган маъқулми ёки концессиялар асосида иш юритилгани дурустми, деган савол туғилгудек бўлса, концессияни маъқуллаш тарозу палласини босади, дейишга тўла асослар бор.



Экспертларнинг таъкидлашича, концессия тажрибаси самараси бир хил эмас, аммо бу ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаммаси ўз ҳолича қолдирилганидан маъқулроқдир. Хусусий оператор бор экан, манфаатлар ҳам турлича бўлади. Зотан, бундай оператор ва муниципалитетнинг манфаатлари ҳам, баланслари ҳам айрича. Мол-мулк маҳаллий маъмурлар ихтиёрида бўлса ва уни ўзлари бошқарсалар, бундай мол-мулк кимларнингдир чўнтагини қаппайтирувчи манбага айланиб қолади, демоқдалар экспертлар.

Бу йўналишдаги ташаббусларнинг асосий мазмун-моҳияти уй-жой ва коммунал хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, янги, замонавий объектлар барпо этиш, борларини асраш ва реконструкция қилиш учун шароит яратиб беришдадир. Бунинг учун компаниялар мазкур бозордаги ишдан манфаатдор бўлиши лозим. Концессия уй-жой ва коммунал хўжалигини молиялаштириш билан боғлиқ, жаҳон амалиётида кенг тарқалган хусусий компания билан давлат ҳамкорлигининг ана шу самарали воситаси давлатга фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбуриятларини адо этиш имконини берибгина қолмай, хусусий инвестициялар учун қизиқиш доирасини кенгайтирадиган, етарлича даромадли усул ҳисобланади ҳам.

Концессия уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасига хусусий маблағларни йўналтириш, самарали менежерларни жалб этиш имконини беради, ишлатиш «умри» қисқариб бораётган фондлар муаммосини ҳал этишга кўмаклашади. Мазкур соҳа бутун жаҳонда сердаромад соҳа саналади, унинг биргина камчилиги инвестициялар узоқ муддат амал қиладиган бўлиши лозим, чунки бу ишга инвестиция киритиш замирида эса муайян таваккалчилик ётади.

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

ТОП top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 22-23 (307-308) 2011 йил 7 июнь

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

САМАРАЛИ ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ВА ТЕЗКОР МАТБАА УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

✓ Тўлиқ рангли ва монохром копирлар, принтерлар, кўпфункцияли офис тизимлари, Konica Minolta босмасининг самарали тизимлари

✓ RISO рақамли мини-босмахоналари, матбаа ускуналарининг кенг спектори

✓ ACCO Brands офис ускуналари

✓ Шахсий компьютерлар ва лицензияланган дастурий таъминот

KONICA MINOLTA RISO ACCO BRANDS ABBYY Microsoft Adobe

- Кафолат, фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар

Товар сертификатланган

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands расмий ҳамкори

Тел./факслар: 237-47-00, 237-48-00. E-mail: info@atcturon.uz; www.atcturon.uz

«АТЛАНТ» маиший техникаси

Беларусь Республикасида ишлаб чиқарилган

Тўлов – исталган шаклда

- Совутгичлар
- Музлаткичлар
- Кир ювиш машиналари
- Мотор-компрессорлар
- Электр чойнаклар, уларнинг эҳтиёт қисмлари

Кафолатли хизмат кўрсатиш муддати – 3 йил

Товар сертификатланган

Тел.: 241-58-88, 244-86-34, 344-68-66, 457-71-50

Манзил: У.Юсупов кўч., 76/7, 1-хонадон (мўлжал – «Лабзак»)

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www. restoran.uz

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 майдаги 10-1109/8504-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "NIMPHEA SANTEX" MCHJ бўйича банкрот деб топишга оид ишни кўриш 2011 йил 6 июнь куни соат 17.00 га тайинланган, суд мажлиси Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-уйда (почта индекси 100135) жойлашган Чилонзор туман ДСИ биносида ўтказилади. Кредиторлар 1-йиғилиши 2011 йил 4 июнь соат 10.00 да Тошкент ш. Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-уйда (почта индекси 100135) жойлашган Чилонзор туман ДСИ биносининг 202-хонасида ўтказилиши тайинланган. Мазкур корхона юзасидан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-уй (почта индекси 100135) манзилига билдирилиши мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 10-1119/6797-сонли ҳал қилув қарсрига асосан Сирғали туманидаги "SHER SERVIS LYUKS" ХК ҳамда 10-1119/6798-сонли ҳал қилув қарорига асосан "UMARBEK TRADE" ХК банкрот деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Сирғали туман ДСИ ходими Д.Бўрибоев тайинланган. Корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, 3-мавзе, Янги Сирғали кўчаси, 6а-уй, Сирғали туман ДСИ биноси, 2/2-хона.

Тел.: 258-72-21, 258-27-02.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 18 майдаги 10-1114/4778-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туман ДСИдан рўйхатдан ўтган "MODAR-GEL" МЧЖ (СТИР 300405182) ҳамда 10-1114/4777-сонли ҳал қилув қарорига асосан "JOYEUX ENFANTS" МЧЖ (СТИР 300896049) банкрот деб эълон қилинган. Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади. Ҳозирги кунда тугатиш ишлари олиб борилмоқда. Тугатиш бошқарувчиси этиб Юнусобод туман ДСИ ходими С.Сметанин тайинланган. Кредиторларнинг 2-йиғилиши 2011 йил 16 июнь куни соат 15.00 да ўтказилади. Корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 3-хонада қабул қилинади. Тел. 235-87-76.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 30 майдаги 10-1114/8689-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "YANG CHANS ASIAN" МЧЖ (юридик манзили: Мирахмедов кўчаси, 19-уй, 21-хонадон) ҳамда 10-1114/8688-сонли ажримига асосан "YADANA TOSHKENT" МЧЖ (юридик манзили: Кичик ҳалқа йўли кўчаси) бўйича банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхоналарнинг кредиторлари 1-йиғилиши 2011 йил 20 июнь куни соат 10.30 да Яккасарой туман ДСИ биносида қуйидаги манзил бўйича ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 3-қават, 310-хона. Тел. 250-70-87. Ушбу корхоналарнинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2011 йил 27 июнь соат 10.00 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар хўжалик судининг 4-сонли суд мажлислар залида кўриб чиқилади.

## Рўйхатлар

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 12 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Қарор рақами |
|---|---|---|
| "KAFIL" ХФ | 201349129 | 10-1117/6553(21)-т |
| "FRODO" ХФ | 203956384 | 10-1117/6561(21)-т |
| "DOMINANT-BILDING" МЧЖ | 204065884 | 10-1117/6569(21)-т |
| "G'AYRAT-SAVDO-XIZMAT" XK | 200829994 | 10-1117/6546(21)-т |
| "YUNUSOBOD-MARVARID" МЧЖ | 204385558 | 10-1117/6573(21)-т |
| "MARYAM-BONU SERVIS" XF | 204642980 | 10-1117/6587(21)-т |
| "DIMA STANDART" XK | 205905350 | 10-1117/6574(21)-т |
| "OMEGA-LANE" XF | 204761905 | 10-1117/6552(21)-т |
| "GOLDEN SIMONA" XK | 205248084 | 10-1117/6582(21)-т |
| "ABDUAZIM-SAVDO-BIZNES" XK | 205334936 | 10-1117/6564(21)-т |
| "RINNEL-TEXNOSERVIS" XK | 205503266 | 10-1117/6551(21)-т |
| "DILOROM-BAROKAT" XK | 206205145 | 10-1117/6550(21)-т |
| "BINOKOR-EFFEKT" XK | 205750768 | 10-1117/6555(21)-т |
| "DILNURA TAOM" XK | 205804833 | 10-1117/6560(21)-т |
| "ARKADIO EXPO" MCHJ | 205852521 | 10-1117/6545(21)-т |
| "STUDENT PROGRESS" XK | 301377337 | 10-1117/6548(21)-т |
| "MADADKOR BIZNES" XK | 300528006 | 10-1117/6580(21)-т |
| "GOLDEN PARLAMENT" MCHJ | 206158441 | 10-1117/6577(21)-т |
| "QUDRAT-G'ANIZODA" XK | 206644977 | 10-1117/6507(21)-т |
| "YULDUZSPETSTTA MIRSTROY" МЧЖ | 206704387 | 10-1117/6557(21)-т |
| "NTD-TEXTILE" MCHJ | 301291951 | 10-1117/6585(21)-т |
| "HANTA-SMAK" MCHJ | 300049017 | 10-1117/6565(21)-т |
| "HILTON PLYUS SERVIS" XK | 300208127 | 10-1117/6581(21)-т |
| "AZIZ-KARIM-TAOM" XK | 300871809 | 10-1117/6556(21)-т |
| "INITSIATIVA GOLDEN BIZNES" MCHJ | 300442691 | 10-1117/6536(21)-т |
| "UKTAM-XABIB" XK | 301175747 | 10-1117/6562(21)-т |
| "GROMN-ZQ GRAND" XK | 300573600 | 10-1117/6558(21)-т |
| "TSAY AND KIM-BIZNES" XK | 300592253 | 10-1117/6567(21)-т |
| "MMM-FAST FOOD" XK | 300866060 | 10-1117/6579(21)-т |
| "TERMINAL GRAFIKS" MCHJ | 300654680 | 10-1117/6568(21)-т |
| "AL-BASIR BARAKA" XK | 300856342 | 10-1117/6549(21)-т |
| "ZULAYXO-AXMAD" XK | 300920484 | 10-1117/6586(21)-т |
| "DI-EL TRADING" XK | 300931867 | 10-1117/6578(21)-т |
| "MAHAMADAMIN HOJIAKBAR O'G'LI" | 203333954 | 10-1117/6571(21)-т |
| "COCO KOREA COLLECTION" MCHJ | 300994440 | 10-1117/6575(21)-т |
| "AXRORBEK-SERVIS GROUP" XK | 301056349 | 10-1117/6572(21)-т |
| "TROFITA" MCHJ | 301059984 | 10-1117/6583(21)-т |
| "ZAR PRIOR" XK | 301091322 | 10-1117/6563(21)-т |
| "JAMSHID-QIBRAY BIZNES" XK | 301241894 | 10-1117/6559(21)-т |
| "MASTURA O'G'ILOY" XK | 301297294 | 10-1117/6576(21)-т |
| "EXECUTRAIN TASHKENT" MCHJ | 301311704 | 10-1117/6547(21)-т |
| "MACHINERY BROK SERVICE" МЧЖ | 301396234 | 10-1117/6584(21)-т |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел. 234-10-29.

